



2013 йил 25 июль,  
пайшанба, 30 (506)-сон

# XASR



IJTIMOIY-  
SIYOSIY  
GAZETA

Газета 2004 йил  
1 январдан чиқа бошлаган,  
e-mail: axborotXiasr@yahoo.com,  
web sayt: www.21asr.uz

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI



## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!

### ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

## FUҚAROLARNING UZINI UZI BOSQARISH ORGANLARI TIZIMIDAGI XODIMLARDAN BIR GURUXINI MUQOFOTLASH TUGRISIDA

**Мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантириш, маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлигини ҳамда миллатларо дўстлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, ёшларни она Ватанга ва миллий истиқлол гоёсига садоқат руҳида тарбиялаш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ишларига қўшган салмоқли ҳиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:**

#### «ЭЛ-ЮРТ ХУРМАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН

**Абдусатова Иноят** — Олмазор туманидаги «Эски шаҳар» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент шаҳри

**Иноятова Назира Саидизовна** — Шайхонтоҳур туманидаги «Илғор» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент шаҳри

**Кенжаева Шакар Махаматовна** — Иштихон туманидаги «Кўнғирот» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маъ-

рифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Самарқанд вилояти

**Холбаева Марҳамат Ниматовна** — Олмалик шаҳридаги Аҳмад Ясавий номи маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент вилояти

**Юлдшева Тожибар Уктамовна** — Хўжаобод туманидаги «Шаҳрихонсой» шаҳарча фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Андижон вилояти

2 >>>

### Ҳуқуқий эксперимент:

## АСОСИЙ БОСҚИЧНИНГ АСОСИЙ ТАДБИРЛАРИ ИЗЧИЛ ДАВОМ ЭТТИРИЛМОҚДА

### МАЪЛУМКИ, АХБОРОТ ОЛИШ ҲАМДА УНИ ТАРҚАТИШ ИНСОННИНГ ТАБИИЙ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИ СИРАСИГА КИРАДИ

Ўз фикрини атрофдагиларга билдира олиш, шунингдек, ташқи репортёрлар таъсирида эшитилганларини ўз тафаккурида қайта ишлаш билиш ана шу ҳуқуқни амалга оширишнинг амалдаги ифода-сидир. Ўз навбатида бу ҳолат кичик бир муҳитдан жамият миқёсига кўчиб, кенг маънони акс эттирди. Шундай экан, бугунги глобаллашув жараёни ахборот соҳасида интеграциялашувни юзага келтириши замон ва макон талабидир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддасида ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга экани белгилаб қўйилган. Бу борадаги ислоҳотларнинг мангикий давоми сифатида «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида», «Оммавий ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида», «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида», «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги каби қонунлар-

нинг қабул қилиниши соҳанинг мустаҳкам ҳуқуқий асосини яратди, албатта. Амалдаги қонунларга қўра, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, уларнинг мансабдор шахслари ҳар кимга ўз ҳуқуқлари ва манфаатларига дахлдор бўлган ахборотлар, жумладан, ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб беришлари лозим.

3 >>>

### Парламент назорати

#### ИҚЛИМ UZGARIШИГА ҚАРШИ КУРАШ САМАРАЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасида мамлакатимиз томонидан 1993 йилда ратификация қилинган БМТнинг иқлим ўзгариши бўйича конвенцияси ва Киото протоколи талабларининг Тошкент, Фарғона, Қашқадарё вилоятларида бажарилишини ўрганиш бўйича ўтказилган назорат-таҳлил ишлари асосларида баъзиларини таъкидлаш. Бунда, айниқса, кимё, энергетика, нефть-газ тармоғи корхоналарини техник-технологик янгилаш, экологик соф механизмларни ишлаб

чиқаришга татбиқ этиш юзасидан қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда. Бу йўналишда Тошкент, Фарғона, Қашқадарё вилоятларида ҳам тизимли ишлар олиб беришмоқда. Чусуан, «Фарғонаэсот», «Максам-Чирлик», «Ўзбекхиммаш» корхоналарида биогаз мосламалари ишлаб чиқарилиб, амалиётда самарали фойдаланилмоқда. Худудларда Глобал экологик жағмарнинг кичик грантлар дастурлари доирасида сув тежайдиган технологияларни жорий этиш, ўрмонларни тиклаш, муқойил энергия манбаларидан фойдаланиш, иқлим ўзгариши ҳолатига мослашиш ва бу борадаги муаммоларни бошқаришга оид лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилаётир.

Тадбирда мақкур йўналишдаги миллий қонунчиликни янада такомиллаштириш, иқлим ўзгаришига қарши курашиш, аҳолининг экологик билим ва кўникмаларини мустаҳкамлашда ҳамкорликни кучайтириш юзасидан фикрлашилди.

Б.ХАДИРОВА, ЎЗА мухбири.



#### ИҚЛИМ МИЛЛИОНЧИНИ — «LACETTI»

Жорий йил июль ойининг биринчи ўн кунлигида «General Motors Uzbekistan» қўшма корхонасининг 2 миллиончи автомобили ишлаб чиқарилди. UzDaily.uz сайтнинг хабарига қўра, Асака заводининг 2 миллиончи автомобили, деган номга «Chevrolet Lacetti» русумдаги улов сазовор бўлди.

Маълумотларга қўра, заводнинг 500 мингичи махсулоти 2005 йилда тайёрланган бўлса, 2008 йилда корхона конвейерининг миллиончи автомобили чиккан. Эслатиб ўтиш лозим: дастлаб «Uz-Daewoo Auto» қўшма корхонаси сифатида фаолият кўрсатган завод бундан ролга-роса 17 йил аввал, аниқроғи, 1996 йилнинг 19 июлида «Nexia», «Damas» ва «Tico» автомобилларини ишлаб чиқара бошлаган эди. 2008 йилнинг февралда эса «GM Uzbekistan»га айланган корхона ўз микозларига «Majesty», «Captiva», «Lacetti», «Cobalt», «Nexia», «Spark», «Matiz» ва «Damas» сингари сажкиз русумдаги автомобилларни етказиб бермоқда.



## Маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолияти кучайтирилиши лозим

### ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДАГИ O'ZLiDeP, «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ДП ВА «АДОЛАТ» СДП ФРАКЦИЯЛАРИНИНГ ҚЎШМА ЙИГИЛИШИДА «СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ТАШАББУСЛАР АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Алоҳида таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан оқ Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида сиёсий партияларнинг давлат қурилиши ҳамда фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги роли ва аҳамиятини кучайтириш бўйича изчил ислоҳотлар амалга оширилди. Айниқса, ўтган даврда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сайлов тўғрисида», «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари сайлов тўғрисида», «Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Сиёсий партиялар тўғрисида», «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида», «Нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисида»ги қонунлар, «Реферendum яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий прин-

циплари тўғрисида», «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида», «Ўзбекистон

Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги Конституциявий қонунлар мамлака-

тимида сиёсий соҳадаги ислоҳотлар изчиллигининг асоси бўлди.

2 >>>

### Депутат минбари

## Фермерлар ҳуқуқи янада кенгайтирилади

### ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА «ФЕРМЕРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИЛИШИ ВА УНИ РИВОЖЛАНТИРИЛИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASINING АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА»ГИ ҚОНУН ЛОЙИХАСИ МУҲОКАМА ҚИЛИНМОҚДА


Мақкур қонун лойиҳаси билан фермер ҳўжалиқларининг ҳуқуқлари янада кенгайтирилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 22 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш

ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижросини таъминлашга қаратилган ушбу қонун лойиҳаси фермер ҳўжалиқларини янада ривожлантириш йўлидаги навбатдаги муҳим қадам сифатида эътироф этилаётгани бежиз эмас.

3 >>>

### Ёш мулкдорлар «Мулкдор оила»сида



### Термит балоси қимматга тушаяпти

#### 4 ПАРТИЯВИЙ ЛОЙИХА

#### 7 ХАЛҚАРО ҲАЁТ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2013 йил 23 июлда бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:\*)

\*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мақкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбурийлигини олмаган.

1 Австрали долларлари	▲ 1938,78
1 Англия фунт стерлинги	▲ 3217,33
1 Дания кронаси	▲ 371,29
1 БАА дирҳами	▲ 573,04

1 АҚШ доллари	▲ 2104,62
1 Миср фунти	▲ 300,55
1 Испания кронаси	▲ 17,43
1 Канада доллари	▲ 2032,07

1 Ҳингй юани	▲ 342,96
1 Малайзия рингити	▲ 662,04
1 Польша злотийси	▲ 654,01
1 СДР	▲ 3166,42

1 Туркия лираси	▲ 1100,22
1 Швейцария франки	▲ 2240,39
1 ЕВРО	▲ 2754,45
1 Жанубий Корея вони	▲ 18,82

10 Япония иенаси	▼ 210,57
1 Россия рубли	▲ 64,90
1 Украина гривнаси	▲ 263,31



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ  
ФАРМОНИ

**ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШ  
ОРГАНЛАРИ ТИЗИМИДАГИ ХОДИМЛАРДАН  
БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА**

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

**«ФИДОКОРОНА ХИЗМАТЛАРИ УЧУН»  
ОРДЕНИ БИЛАН**

**Абдувахидова Хатир**а Сотволдиевна — Норин туманидаги «Тегирмонбоши» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Наманган вилояти

**Бердибаева Замира Жумамуратовна** — Нукус туманидаги «Саманбай» овул фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Жанкуватова Раъно Нармуратовна** — Ғузур туманидаги «Зарбдор» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Қашқадарё вилояти

**Садикова Матлуба Камилловна** — Қўқон шаҳридаги «Қаймоқли гузар» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Фарғона вилояти

**Саидмуротова Ҳудой** — Сариев туманидаги «Бўйрапўш» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Сурхондарё вилояти

**«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ»  
ОРДЕНИ БИЛАН**

**Аслонова Гулчехра**хон Исматовна — Хатирчи туманидаги «Жалоир» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Навоий вилояти

**Жўраева Бахмал Искановна** — Бахмал туманидаги «Сарой» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Жиззах вилояти

**Рахматова Адалат** — Сирдарё туманидаги «Олмасор» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Сирдарё вилояти

**Рустамова Гуландом** — Ҳазорасп туманидаги «Бешта» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Хоразм вилояти

**Ҳайдарова Назира Муҳидовна** — Пешку туманидаги «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Бухоро вилояти

**«ДЎСТЛИК»  
ОРДЕНИ БИЛАН**

**Давлатов Балтабой** — Гулран туманидаги «Сахтиён» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, Хоразм вилояти

**Ибрайимова Гулчехра**хон — Жалолқудум туманидаги «Ғайрат» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Андижон вилояти

**Казакова Азиза Турғуновна** — Кўштепа туманидаги «Ғиштом» қишлоқ фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Фарғона вилояти

**Каримова Райхон Ҳақбердиевна** — Муборак туманидаги «Қурувчилар» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Қашқадарё вилояти

**Каримова Шаҳринос Акромовна** — Фаллаорол туманидаги «Булоқбоши» қишлоқ фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Жиззах вилояти

**Маматова Уразгул Эрматкуловна** — Боёвут туманидаги «Қарапчи» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Сирдарё вилояти

**Муминова Якутхон Шукриловна** — Зангиота туманидаги «Иқбол» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент вилояти

**Оманова Раҳимхон** — Уйчи туманидаги «Иттифоқ» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Наманган вилояти

**Оттебергенова Оразгул Тилебаевна** — Кегейли туманидаги «Жушим баг» овул фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Палванова Мархабо Умирзоқовна** — Навоий шаҳридаги «Матонат» маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби, Навоий вилояти

**Сафарова Лутфия Шаниязовна** — «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Сурхондарё вилояти бўлими бош мутахассиси

**Сирожева Гулшад Исакуловна** — Жомбой туманидаги «Эки Жомбой» маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби, Самарқанд вилояти

**Стенушкани Антонина Николаевна** — Миробод туманидаги «Олмасор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

**Эсанова Рўзибиби Рахмоновна** — Вобкент туманидаги «Пахтакор» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Бухоро вилояти

**«ШУҲРАТ»  
МЕДАЛИ БИЛАН**

**Абдуганиева Раҳима** — Яқкасарой туманидаги «Ракат» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент шаҳри

**Аллабергенова Урингул Тухтабаевна** — Тўртқул туманидаги «Шўраҳон» овул фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Байниязова Зибира Муратбаевна** — Нукус шаҳридаги «Тунгиш қонис» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Қорақалпоғистон Республикаси

**Бекниязова Бустон Баратовна** — Қарши туманидаги «Работ» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Қашқадарё вилояти

**Бойматовна Тошбиби Тогоевна** — Денов туманидаги «Навбахор» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Сурхондарё вилояти

**Гапбаров Уролбой Каримович** — Будунғур тумани «Гулистон» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Самарқанд вилояти

**Жуманова Арафат Хатамовна** — Учқудуқ туманидаги «Навоий» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Навоий вилояти

**Иззатуллаева Мавжуда Рахматовна** — «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Каттақўрғон шаҳар бўлими бош мутахассиси, Самарқанд вилояти

**Исмазова Адибахон Косимовна** — Избоскан туманидаги Т.Мамажонов номи маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Андижон вилояти

**Ишмухамедова Муаттар Юлдашевна** — Учтепа туманидаги Алихонтура Соғуний номи маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент шаҳри

**Каюмов Камил Адилевич** — Чилонзор туманидаги «Дўмбиробод» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Тошкент шаҳри

**Комилова Саломат Азимовна** — Қорақўл туманидаги «Дўрмон» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Бухоро вилояти

**Қуватов Саломат** — Арнасой туманидаги «Чўлқувар» қишлоқ фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Жиззах вилояти

**Маллаева Минурохон Араббевна** — Олтинқўл туманидаги «Миробод» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Андижон вилояти

**Маматкаримова Мавлюда Ҳакимовна** — Гулистон туманидаги «Деҳқонобод» шаҳарча фуқаролар йиғини масъул котиби, Сирдарё вилояти

**Мансуров Собит Мамаджанович** — Наманган шаҳридаги «Шаршара» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Наманган вилояти

**Мейлиева Раъно Абдурашуловна** — Ангор туманидаги «Қорасув» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Сурхондарё вилояти

**Олимова Азиза Соатовна** — Поп туманидаги «Марғизор-2» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Наманган вилояти

**Оппоқова Муқаддас Эшондедаевна** — Чортоқ туманидаги «Ҳазратишоҳ» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Наманган вилояти

**Раҳимов Одижон** — Пахтабод туманидаги «Терактаги» маҳалла фуқаролар йиғини раиси, Андижон вилояти

**Раҳимова Мухаббат Ермонкуловна** — Данғара туманидаги «Навбахор» маҳалла фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссияси раиси, Фарғона вилояти

**Суванова Саида Тўллабековна** — Бекобод туманидаги «Зафар» шаҳарча фуқаролар йиғини раиси, Тошкент вилояти

**Тиллабоева Карима Ахмедовна** — Кўшқўпир туманидаги 2-маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби, Хоразм вилояти

**Улутова Мукарамхон Кудратовна** — Қибрай туманидаги «Тараққий» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент вилояти

**Умарова Чучук Саидовна** — Китоб туманидаги «Севаз» қишлоқ фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссияси раиси, Қашқадарё вилояти

**Усарова Шаҳодат Кимсановна** — Тошлоқ туманидаги «Қумқишлоқ» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Фарғона вилояти

**Усмонова Эйтиборхон Ахмаджоновна** — Фарғона туманидаги «Дамқўл» маҳалла фуқаролар йиғини масъул котиби, Фарғона вилояти

**Хантқулова Рапо Абдулқосимовна** — Ангрен шаҳридаги «Улуғбек» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Тошкент вилояти

**Ҳамроева Саломат Бомуродовна** — Бухоро туманидаги «Ойбек» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Бухоро вилояти

**Шодиева Ноботой** — Қўшрабат туманидаги «Янгиқишлоқ» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Самарқанд вилояти

**Якубова Ойқарам Тажмуратовна** — Шовот туманидаги «Арбоблар» маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, Хоразм вилояти

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2013 йил 24 июль



**Маҳаллий  
кенгашлардаги партия  
гурӯҳлари фаолияти  
кучайтирилиши лозим**

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ◀◀

Озод РАЖАБОВ,  
«XXI asr»

«Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг қабул қилиниши эса Парламент қуйи палатаси олдида турган вазифаларни ҳал этишда партиялар фракцияларининг ролини янада кучайтириш борасидаги ниҳоятда муҳим қadam бўлди.

Халқаро андозаларга жавоб берадиган бундай ҳужжатлар, шубҳасиз, сиёсий куч вакиллари кенг қўламли фаолиятини мустақамлашга хизмат қилаётган.

Ана шундай натижаларга қарамай, бугунги тезкор давр бундан буён ҳам кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда сиёсий партияларнинг, айниқса, уларнинг ҳудудий ташкилотлари ва маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳлари ролини янада кучайтиришни тақозо этмоқда. Юртбошимиз таъбири билан айтганда, парламентар ва маҳаллий вакиллик органлари — кенгашлар олдида турган ғоят муҳим вазифа — бу қабул қилинган қонунларнинг ижро этувчи ҳоқимият, яъни ҳукумат томонидан марказда, ҳоқимликлар томонидан эса жойларда қандай бажарилаётгани тўғрисида депутатларнинг парламент ва депутатлик назоратини ўрнашдан иборатдир. Келгусида қонун чиқаруви ҳоқимият назорат ваколатларини амалга оширишнинг қонунда кўзда тутилган ҳуқуқий норма ва механизмлардан марказда ва жойларда кенг фойдаланиш учун барча зарур чораларни кўриш керак. Сиёсий партияларнинг ижро этувчи ҳоқимият идоралари шакллантириш жараёнига фаол таъсирини таъминлаш учун барча ташкилий-ҳуқуқий шарт-шароитлардан тўлақонли фойдаланиш, шу мақсадда халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партиялар гуруҳлари фаолиятини жонлантириш, барча бўғиндаги ижро этувчи тузилмаларнинг минтақалар ижтимоий-иқтисодий тараққиётига доир амалий вазифаларни ҳал этиш ишига партияларнинг таъсирини кучайтириш даркор.

— Амалдаги қонун ҳужжатларида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари кенгашларидаги партия гуруҳларини ташкил этиш тартиби ва фаолиятини тугатиш шартлари, шунингдек, сиёсий партияларнинг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ечишдаги роли ва ўрни ҳали етарли даражада очиқ берилмаган, — деди кўшма йиғилишда О`zLiDeP фракцияси аъзоси Фахриддин Комилов. — Бугунги муҳокамалар жараёнида депутатлар томонидан «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунига айнан шу масалани аниқроқ белгиловчи қўшимчалар киритиш зарурлиги ҳақида фикрлар билдирилди. Шунингдек,

билан чиқиш каби ваколатлар билан янада кучайтириш назарда тутиляпти.

— Аммо бундай қарор депутатларнинг ярмидан кўпи томонидан қўлаб-қувватланган тақдирдагина қабул қилинган ҳисобланади, — дейди О`zLiDeP фракцияси аъзоси Раҳман Асқаров. — Бу эса демократик бошқарув ва қарорлар

**О`ZLIDEP УСТАВИДА**

**ПАРТИЯ ГУРУҲЛАРИ ЎЗ ФАОЛИЯТЛАРИНИ ПАРТИЯНИНГ ДАСТУРИЙ ҲУЖЖАТЛАРИ, ТЕГИШЛИ ҲУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ КОНФЕРЕНЦИЯЛАРИ ТОМОНИДАН БЕЛГИЛАНГАН ҚОНУНЧИЛИК ФАОЛИЯТИ ВАЗИФАЛАРИ, ҲУДУДИЙ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ КЕНГАШЛАРИ ТАВСИАЛАРИ ҲАМДА ЮҚОРИ ПАРТИЯ ОРГАНЛАРИ ҚАРОРЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ТАШКИЛ ЭТАДИЛАР.**

сиёсий партияларнинг жойлардаги ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ечишдаги роли ва таъсирини янада ошириш, улар томонидан сайловчилар манфаатини ифодалашнинг янги, янада самаралироқ механизмлари ишлаб чиқишни талаб қилган тобора чуқурлашиб бораётган демократик ислохотлар жараёни мазкур қонун лойиҳасини тайёрлаш заруратини юзга келтиряпти.

— Депутатлар маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолиятининг ташкилий жиҳатлари билан боғлиқ бир қатор масалаларни ҳам атрофлича муҳокама қилдилар, — дейди О`zLiDeP фракцияси аъзоси Маъруф Усмонов. — Хусусан, охиригида «партия гуруҳи» тушунчасига тегишли таъриф бериш, партия гуруҳини ташкил этиш тартиби ва шартларини аниқ кўрсатиш, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлари ва Тошкент шаҳар кенгашларида партия гуруҳини ташкил этиш учун депутатларнинг энг кам миқдорини беш нафар этиб белгилаш борасидаги тақлифлар ўртага ташланди. Албатта, бундай фикрлар атрофлича ўрганилиб, қонунчиликка акс эттирилиши лозим, деб ўйлаймиз.

Тақлиф этилаётган ўзгаришлар қонунчиликда ўз аксини топса, маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳларининг ваколатлари ва ҳуқуқлари сезиларли даражада кучайтирилишини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жумладан, илгари сурилган тақлифлар орасида партия гуруҳларини тегишли вакиллик органи комиссиялари раислигига, раис ўринбосарлигига ва аъзолигига номзодлар бўйича тақлифлар киритиш, муайян ҳудудда жойлашган давлат органи раҳбари ҳисоботини сессияда эшитиш ташаббуси

қабул қилиш талаблари тўла қилиш мумкин. Муҳими, партия гуруҳларининг тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашига киритиладиган масалалар бўйича тақлифлари албатта кўриб чиқишли шарт.

Муҳокамалар якунида Қонунчилик палатасида фаолият юритаётган О`zLiDeP, «Миллий тикланиш» ДП ва «Алола» СДП фракциялари аъзоларидан иборат ишчи гуруҳи тузилди. Унга билдирилган фикрларни инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунига зарур ўзгариш ва қўшимчалар киритишга оид тақлифларни умумлаштириш ва тегишли тарғибда Қонунчилик палатаси муҳокама-сига киритиш учун тайёрлаш вазифаси юклатилди. Депутатлар, шунингдек, маҳаллий кенгашлардаги партия гуруҳлари фаолияти билан боғлиқ қонун нормаларини такомиллаштириш юзасидан билдирилган фикрларни ҳам янада такомилга етказиш мақсадида жойлардаги депутатлик корпуси вакиллари иштирокда ҳудудий семинарлар ва даражада суҳбатлари ўтказишни режалаштириб олдилар.

Хулоса қилиб айтганда, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларидаги партия гуруҳлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш борасида илгари сурилаётган ушбу ташаббус сиёсий партияларнинг келгусида ижтимоий-иқтисодий вазифаларни ҳал этишдаги ролини янада ошириш, уларнинг ўз Сайловолди платформаси ва дастурий мақсадларини амалга оширишдаги фаолияти, шунингдек, давлат органлари ва мансабдор шахсларнинг масъулиятини кучайтиришга хизмат қилади.



## Фермер ҳуқуқи янада кенгайтирилади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

**Фахриддин КОМИЛОВ, Абдухалик ЖАББОРОВ,** Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, O'zLiDeP фракцияси аъзолари

Чунки лойиҳа фермер хўжаликларининг кўп тармоқли фаолият олиб боришини таъминлашни назарда tutади.

Фермер хўжаликлари бу соҳада эмин-эркин фаолият юритишлари учун амалдаги қонуннинг 22-моддаси фермер хўжалиги ўз уставида ва ер участкасини ижарага олиш шартномасида кўзда тутилган ихтисослашувига мувофиқ, ишлаб чиқариш тузилмаси ва ҳажмларини мустақил равишда белгилаш, қишлоқ хўжалиги фаолиятининг ҳар қандай тури, жумладан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш, сақлаш ва реализация қилиш, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатиш, шунингдек, қонун ҳужжатларида таққидланмаган бошқа фаолият турлари билан шугулланишга ҳақли бўлиши мумкинлиги тўғрисидаги норма билан тўлдиримокда.

Бу эса, шубҳасиз, фермер хўжаликларининг молиявий барқарорлигини таъминлашга ҳам кенг имкон яратади. Масалан, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйган фермер хўжаликлари шу орқали нафақат янги иш ўринлари барпо этади, балки айни пишиқчилик даврида турли сабабларга кўра исроф қилинадиган кўп қилмичларни дала неъматларини сақлаб қолишга муваффақ бўладилар.

Маълумки, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қиш ва баҳор фаслига қадар сақлаган фермер хўжаликлари бошқарува нисбатан бир неча баробар кўп даромад кўришмоқда. Чунки айни пишиқчилик пайтида арзонланган хўл медалар қиш ва баҳорда қимматроқ нархларда сотилишни ўз-ўзидан маълум. Бу билан фермерларимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга ҳам муносиб ҳисса қўшишмоқда.

Қонуннинг юқоридаги моддасига фермер хўжаликларига саноат

ишлаб чиқаришини йўлга қўйишга руҳат берувчи норма киритилаётганлиги ҳам бежиз эмас. Бунинг замирида қишлоқларимизга минитехнологиялар асосида саноат корхоналарининг кириб боришини таъминлаш масаласи ётибди. Мазкур эзгу ниятлар амалга ошган тақдирда фермер хўжаликлари нафақат қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етиштирувчилар, балки ўз маҳсулотларини саноат асосида қайта ишловчи корхоналар сирасига кирди ва қишлоқ ёшларини замонавий иш ўринлари билан таъминлашда етакчи мавқега эга бўлади.

Фермер қишлоқда етакчи ижтимоий кучга айланиши, ўз фаолият доирасини янада кенгайтириши учун бир соҳа билан чекланиб қолмаслиги лозим. Дейлик, балиқ ёки етиштирилган бошқа хил маҳсулотларни хусусий ошхоналарда пишириб сотиш, автомобилларга техник хизмат кўрсатиш, эркаклар ва аёллар сартарошхоналари фаолиятини йўлга қўйиш ва ҳоказолар ҳисобидан кўп қўшимча даромадга эга бўлиш мумкин. Иккинчидан, тушган фойда ҳисобидан пахта, галла ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинларидан янада юқорироқ ҳосил етиштириш, минерал ўғит сотиб олиш, фермер хўжалиги ходимларига ўз вақтида маош тўлаш имкониятлари кенгайяди.

Қуйидаги мисолга эътибор қаратайлик: Навоий вилояти Хатирчи туманидаги «Удубек ШАОУ» фермер хўжалиги пахтачилик ва галлачилик йўналишида фаолият олиб боради. Ер майдони 133,5 гектар. Шундан 72,8 гектари пахта, 60,7 гектари галлага мўлжалланган. 2010-2012 йилларда пахтадан тегишли равишда 30/31/35, галладан 70/72/73 центнердан ҳосил олинган. Гарчи фермер хўжалиги асосан пахтачилик ва галлачиликка ихтисослашган бўлса-да, 12 бош қорамоли, қўй-қўзисни, паррандаси бор, қишлоқ хўжалиги экинларига ишлон берин учун етарли техникага эга. Бунга ўхшаш мисолларни республикамиз бўйича кўп қўшимча келтириш мумкин.

O'zLiDeP дастурида белгилаб қўйилганидек, қишлоқ хўжалигида иқтисодий муносабатлар тизимини ўзгартириш — аграр ислохотларни



амалга оширишнинг устувор йўналишидир. Хусусан, ердан оқилона фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш тармогини фермер хўжаликлари негизда ривожлантириш, партияимиз электорати бўлмиш ўрта синф вакиллари билан бирга, замонавий технологияларни амалиётга кенг жорий этиш ва қишлоқ хўжалиги хом ашёсини комплекс қайта ишлаш, шунингдек, қишлоқда янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларини ташкил қилиш учун қўшимча қулайликлар яратиш имконини беради.

казиш борасида фаол иштирок этишяпти.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши фермер хўжаликларининг иқтисодий мустақиллигини таъминлаш ва молиявий барқарорлигини ошириш билан бирга, замонавий технологияларни амалиётга кенг жорий этиш ва қишлоқ хўжалиги хом ашёсини комплекс қайта ишлаш, шунингдек, қишлоқда янги ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларини ташкил қилиш учун қўшимча қулайликлар яратиш имконини беради.

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ФАРМОЙИШИГА АСОСАН «ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ВА БОШҚАРУВИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИНГ ОЧИҚЛИГИ Тўғрисида»ги ҚОНУН ЛОЙИХАСИНИНГ БУХОРО ВА САМАРҚАНД ВИЛОЯТЛАРИДА ХУҚУҚИЙ ТАЖРИБАДАН ЎТКАЗИЛАЁТГАНИ БУ ЖАРАЁННИ БУТУНЛАЙ ЯНГИ БОСҚИЧГА КўТАРИШ ИМКОНИНИ ЯРАТАЯПТИ.



## Ҳуқуқий эксперимент:

### Асосий босқичнинг асосий тадбирлари изчил давом эттирилмоқда

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада

Лекин бугунги давр шиддати, замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг жадвал суръатлари ривожланиб бориши, ахборот узатувчи ва қабул қилувчи электрон тизимнинг кенг йўлга қўйилиши бу боралдаги қўшимчилигини янада такомиллаштиришни талаб қилмоқда.

Шу маънода Президентимизнинг 2013 йил 20 мартдаги фармойишига асосан «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонун лойиҳасининг Бухоро ва Самарқанд вилоятларида ҳуқуқий тажрибадан ўтказилаётгани бу жараёни бутунлай янги босқичга кўтариш имконини яратаяпти.

Бу борда эса давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш соҳасида улар қабул қилган қарорлар, дастурлар ва бошқа ҳужжатлар ҳақида ахборот олиш юзасидан жисмоний ва юридик шахсларни баҳардор қилиш мақсадида ҳар икки вилоятда кўп қўшимча уюштурувчи таъминлаш юзасидан 200 дан ортиқ тақлиф жамлашиб, Ишчи комиссия томонидан атрофлича муҳокама этилгани ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

O'zLiDePнинг ҳуқуқий эксперимент жараёнида бевосита иштирок этиб, синовдан ўтаётган қонун лойиҳасининг нормаларини маромига етказиш масаласига жиддий эътибор қаратаётганини мунгазам хабардор қилиш, журналистлар томонидан тайёрланган саволлар бевосита эксперимент ўтказиш субъектлари раҳбарларига юбориш, Ишчи комиссия аъзолари ва экспертларнинг ўзаро тезкор ахборот алмашишини таъминлайдиган махсус интернет-ресурс, хусусан, Бухоро вилоятидаги 88 та, Самарқанд вилоятидаги 91 та давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида ҳуқуқий эксперимент ўтказиш учун лозим бўлган таъминлаш шарт-шароитлар яратилди.

Кези келганда ҳуқуқий эксперимент ўтказилаётган ҳудудларда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиги ошганлигини алоҳида эътироф этиш жоиз. Жумладан, ҳар икки вилоятда ҳам давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига ёзма ва оғзаки мурожаатлар сони сезиларли даражада кўпайди. Хусусан, 2013 йилнинг иккинчи чорагида Бу-



**Нуриддин МУРОТОВ,** Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, O'zLiDeP фракцияси аъзоси

хоро ва Самарқанд вилоятларидаги эксперимент субъектларига биринчи чоракка нисбатан икки маротаба орди ва ўрта ҳисобда Самарқандда 1514 та, Бухоро вилоятида эса 1230 тани ташкил этиди.

Бундан ташқари мазкур вилоятлардаги маҳаллий ҳокимиятлар ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлигини таъминлаш бўйича қонун лойиҳаси нормаларига амалий жиҳатдан ишлов бериш, эксперимент жараёнида уларнинг барқарор фаолият кўрсатишини таъминлаш юзасидан 200 дан ортиқ тақлиф жамлашиб, Ишчи комиссия томонидан атрофлича муҳокама этилгани ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

O'zLiDePнинг ҳуқуқий эксперимент жараёнида бевосита иштирок этиб, синовдан ўтаётган қонун лойиҳасининг нормаларини маромига етказиш масаласига жиддий эътибор қаратаётганини мунгазам хабардор қилиш, журналистлар томонидан тайёрланган саволлар бевосита эксперимент ўтказиш субъектлари раҳбарларига юбориш, Ишчи комиссия аъзолари ва экспертларнинг ўзаро тезкор ахборот алмашишини таъминлайдиган махсус интернет-ресурс, хусусан, Бухоро вилоятидаги 88 та, Самарқанд вилоятидаги 91 та давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида ҳуқуқий эксперимент ўтказиш учун лозим бўлган таъминлаш шарт-шароитлар яратилди.

Кези келганда ҳуқуқий эксперимент ўтказилаётган ҳудудларда фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиги ошганлигини алоҳида эътироф этиш жоиз. Жумладан, ҳар икки вилоятда ҳам давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига ёзма ва оғзаки мурожаатлар сони сезиларли даражада кўпайди. Хусусан, 2013 йилнинг иккинчи чорагида Бу-

Бундай янгиликларни аҳолига кенг тушунтириш, уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини етказиш журналистлардан катта билим ва масъулиятни талаб этади.



## 2013 йил — «Обод турмуш йили»

### Маҳалланинг яқин ҳамкори

ЎЗБЕКИСТОН «МАҲАЛЛА» ХАЙРИЯ ЖАМОАТ ФОНДИ ҲАМДА МУСТАҚИЛ БОСМА ОММОВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИКЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ ТОМОНИДАН «МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИНИНГ ЖАМИЯТ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ҲАЁТИДАГИ ЎРНИ» МАВЗУСИДА ТАШКИЛ ЭТИЛАЁТГАН Ўқув-Семинарнинг НАВБАТДАГИ БОСҚИЧИ ЯҚУНЛАНДИ

**Назкат УСМОНОВА,** Ўза муҳбири

Унда Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Маънавият тарбияот маркази, Хотин-қизлар қўмитаси, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши, тегишли вазирлик ва идоралар мутахассислари, олимлар, экспертлар, олий таълим даргоҳларининг журналистика факультети профессор-ўқитувчилари, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Навоий, Хоразм, Сурхондарё, Қашқадарё, Самарқанд вилоятлари журналистлари иштирок этиди.

«Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви раиси А.Аҳмедов, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори А.Абдуллаев, Республика маънавият тарбияот маркази раҳбари Ф.Мирзаев ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов томонидан баён этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси асосида маҳаллалар фаолияти кўлами ва ваколатларини янада кенгайтириш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

Янги таҳрирдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ва «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»

ги қонунлар маҳаллаларни хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес ва ҳунармандликни ривожлантириш марказига айлантириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, оқсоқоллар ва маслаҳатчилар сайловини холис, ошқора ва адолатли ташкил этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Миллий қонунчилигимиздаги бу янгиликларни аҳолига кенг ту-

шуштириш, уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини етказиш журналистлардан катта билим ва масъулиятни талаб этади.

Мазкур ўқув-семинарда иштирокчиларга фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид қонун ҳужжатларига киририлган ўзгариш ва қўшимчалар, маҳаллалар қошидаги кенгаш ва

комиссияларнинг вазифалари ҳақида атрофлича маълумотлар берилди. Маҳалла институти фаолиятини, фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови жараёнини оммавий ахборот воситаларида ёритишнинг шакл ва услублари ўрганилди. Журналистларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтарилди.

### ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



## ХАБАРЛАР

### ДЕПУТАТЛАР СОНИ КўПАЙДИ

Қарши шаҳар кенгаши депутатлигига бўшаб қолган ўринларга ўтказилган сайлов натижаларига кўра, 16-Маданият сайлов округидан Қарши шаҳар ҳокими Акмал Очилов, 29-Ўзбекистон сайлов округидан тadbirkor Садулла Камолов депутатликка сайландилар. Жойларда кенг кўламли ташкилий-партиявий, ғоявий-сиёсий ишлар олиб борилгани натижада сайловчиларнинг асосий қисми O'zLiDeP вакиллари қўллаб-қувватлашди. Шу тариқа шаҳар кенгашидаги депутатларимиз сони 11 нафарга етди.

### ХОРИЖЛИКЛАР ҚАРШИЛИКЛАР СОВУНИГА КИР ЮВИШАЯПТИ

Кашқадарёда маҳаллийлаштириш дастурига киритилган 8 та корхонанинг 15 та лойиҳаси асосида амалга оширилган ишлар 2012 йили 3 миллион 707 минг АҚШ долларига тенг маблагни иқтисод қилиш имконини берди. Солиқ ва боғхона тўловлари бўйича яратилган имтиёзлар эвазига эса корхоналар ихтиёрида 6 млрд. сўм тежаб қолди. Бу маблаг янги иш ўринлари ташкил этиш, ишлаб чиқаришни замонавийлаштириш, ходимларни рағбатлантириш ва, албатта, маҳсулот турларини кўпайтиришга йўналтирилмоқда. «Бону Косметикс» масъулияти чекланган жамияти ҳам ана шу дастурга киритилган бўлиб, ўтган олти ойда жамоа томонидан хориқга 24,8 минг АҚШ долларига тенг шампунь, бальзам, суюқ совун сотилди. «Santexyiqmahoz» масъулияти чекланган жамиятида эса мармар кукунига полистирол қоричмасини аралаштириш йўли билан полимермармарли санитария-техник жиҳозлар ишлаб чиқарила бошланди. МЧЖ раҳбари Умар Хидировнинг таъкидлашича, ушбу технология жаҳоннинг энг ривожланган мамлакатларида синовдан ўтган бўлиб, улар чўян жиҳозларга нисбатан анча энгил ва мустаҳкамдир. Маҳсулот турини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш борасида изланаётган тadbirkor ўтган йили жами 725 донна полимермармарли ванна ишлаб чиқарган эди. Бу йил эса 500 га яқин шундай жиҳозлар истеъмолчиларга етказиб берилди. Сайфулла ИКРОМОВ.



# Ёш мулкдорлар «Мулкдор оила»сида

— ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИНГ ИЗЧИЛ ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАНАЁТГАНИ МИЛЛИЙ БИЗНЕСНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, ПИРОВАРДИДА ЭСА АҲОЛИ БАНДЛИГИ ВА ТУРМУШ ДАРАЖАСИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ АСОСИЙ ОМИЛЛАРИДАН БИРИГА АЙЛАНДИ, — ДЕЙДИ О'ZLiDeP ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ТАДБИРКОРЛИК ВА ФЕРМЕРЛИКНИ ҚўЛАБ-ҚУВВАТЛАШ БўЛИМИ БОШЛИГИ АЗИЗ ПИРНАЗАРОВ. — АЙНИҚСА, «ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК ТўҒРИСИДА»ГИ ҚОНУН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАНИДАН КЕЙИН БУ ЖАРАЁН ЯНАДА ТЕЗЛАШДИ

Сайфулла ИКРОМОВ, «XXI asr»

О'zLiDePнинг «Мулкдор оила» лойиҳаси доирасида ўтказилган навбатдаги семинарда ана шулар хусусида сўз юритилди. Унда, шунингдек, ҳақ депутатлари вилоят кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи томонидан вилоят кенгаши сессиясига киритилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2012-2015 йилларда республика озиқ-овқат саноатини бошқаришни ташкил этишни янада такомиллаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига қўра янги ёғмай ва озиқ-овқат саноати, шунингдек гўшт-сут, мева-сабзавот маҳсулотлари ҳамда узумни қайта ишлаш корхоналарини барпо этиш ва фаолият юритаётганларини реконструкция қилишга қаратилган дастур юзасидан амалга оширилаётган тадбирлар ҳам атрафлича таҳлил этилди.



**О'ZLiDeP УСТАВИДАН**  
**ЎЗБЕКИСТОН ЛИБЕРАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ УМУММИЛЛИЙ СИЁСИЙ ТАШКИЛОТ СИФАТИДА МУЛКДОРЛАР ҚАТЛАМИ, КИЧИК БИЗНЕС, ФЕРМЕРЛИК ВА ДЕҲҚОН ХўЖАЛИКЛАРИ ВАКИЛЛАРИ, ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРИ ВА БОШҚАРУВ ХОДИМЛАРИ, ИШБИРАМОНЛАР МАНФААТЛАРИНИ ИФОДАЛАЙДИ ВА ҲИМОЯ ҚИЛАДИ.**

ушун кредит ажратилди. — Истиқлол шарофати билан туманимизда тадбиркорлик кенг кулоч ёйиб, одамлар ҳаёти

фаровонлашиб бораёпти, — деди Муборак туман ҳокимининг ўринбосари Шавкат Меҳмонов. — О'zLiDeP томонидан амалга оширилаётган партиявий лойиҳалар бу жараёнга ўзига хос ҳисса бўлиб қўшиляпти. Уларда иштирок этаётган ёшлар, хотин-қизлар, касб-хунар қолди битирувчилари молиявий кўмак олишга эришиб, янги-янги иш ўринлари яратмоқдалар. Жорий йилнинг ўтган даврида ташкил этилган ўнга яқин тадбиркорлик субъекти ҳам бунга мисол бўлиши мумкин.

## «Аёллар қаноти»

### Тадбиркорлар учун қулай имконият

«АЁЛЛАР ҚАНОТИ»НИНГ «ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИКДАН — МУСТАҲКАМ ОИЛАГА» ЛОЙИҲАСИ ДОИРАСИДА ЖИЗЗАҲДА ЎТКАЗИЛГАН НАВБАТДАГИ ТАДБИРДА ХОТИН-ҚИЗЛАР ТОМОНИДАН ТАҚДИМ ЭТИЛГАН БЕЗНЕС-РЕЖАЛАР БАНК ВА СОЛИҚ ИДОРАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ТОМОНИДАН ИЖОБИЙ БАҲОЛАНДИ

Наргиза КАҲҚОРОВА, «XXI asr»

рат банкларининг имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлари топширилди.

Шу ўринда семинардан аввал шаҳар ва туманларда фаолият олиб бораётган ёш хунарманд қизлар томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар кўрғазмаси намойиш қилинган иштирокчилар учун ўзига хос тажриба мактаби вазифасини ўтаганини таъкидлаш жоиз.

Энг муҳими эса лойиҳа ёш тадбиркор қизлар учун реал имкониятлар яратмоқда. Масалан, Форш туманида «Wave of Ocean» номли янги оилавий корхона ишга тушди. Фалларолик Зилола Шукурова тикиш-бичиш йўналишидаги бизнес лойиҳаси учун «Микрокредитбанк» туман

филиалидан 2 млн. 300 минг сўм миқдорда кредит олиб, ўз қишлоғида тикув цехи ташкил этди. Яна бир иштирокчи «Жаннат Бибиҳоним» ишлаб чиқариш фирмаси раҳбари Наргиза Тўйчиева эса 20 млн. сўмлик кредит олиш учун ҳужжатлар расмийлаштираёпти.

— Ана шундай фаол хотин-қизларимиз иқтисодиётни юксалтириш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар, — дейди вилоят кенгаши депутати Муҳаббат Саидхмедова. — Бундан кейин ҳам уларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишларини таъминлаш, жамиятда хотин-қизларнинг ролини кучайтириш ва мақомини ошириш, ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш устувор вазифамиз бўлиб қолаверад.

### ҚУШ ИШИДА КўРГАНИНИ ҚИЛАДИ

О'zLiDeP Бухоро вилоят кенгаши «Аёллар қаноти»нинг «Соғлом оила — мустаҳкам оила» лойиҳаси доирасидаги навбатдаги давра суҳбатида соғлом авлодни тарбиялаш, жамият ривожига тўғанок бўлаётган айрим иллатларни бартараф этиш, жумладан, никоҳ ёшига етмаган қизларни эрта турмушга узатиш ва қариндош-уруғлар ўртасидаги никоҳнинг салбий оқибатлари хусусида атрафлича сўз юритилди.

Тадбирда О'zLiDeP вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Дилбар Аҳмедова сўзга чиқиб, фарзанднинг маънан ва жисмонан етук бўлиб вояга етиши, баркамол, соғлом фикрловчи шахс сифатида шаклланиши асосан ота-оналар, оилавий муҳитга боғлиқ эканини таъкидлади.

— Бу айнқса уй бекалари зиммасига жуда катта мусъулият юклайди, — деди Д.Аҳмедова. Тадбирда, шунингдек, эрта турмуш куриш, яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳ ва унинг салбий оқибатлари, ҳомилдор аёлларнинг ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтишлари юзасидан ҳам тушунтиришлар берилди.

Хусусан, шифокор Осий Мирзаева вояга етмаган қизларни эрта турмушга узатиш ҳоллари носоғлом оила шаклланишига асос бўлаётганига тўхталиб, айрим коллеж ва лицей ўқувчилари тўлиқ таълим олмай туриб, оила куришга киришаётганларини, бу борада маъмурий ва жиноий жавобгарлик кучайтирилганини таъкидлади.

### Савол беринг, жавоб берамиз!

— Давлат мулкни хусусийлаштириш масаласига тобора катта эътибор қаратиляпти. Аслида бу жараён Ўзбекистонда қачон бошланган? Имон бўлса, шу хусусда кенгроқ маълумот берсангиз.

Фазлиддин Хамидуллаев, Тошкент шаҳри.

— Ҳақиқатан ҳам давлат мулкни хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш бугунги кунларда ҳам энг долзарб масалалардан бўлиб, мазкур соҳада ҳали фойдаланилмаган имкониятлар талайгина. Зеро, бу масалага мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ алоҳида эътибор қаратилганини, мулкни давлат тасарруфидан чиқариб, тадбиркорлар ихтиёрига бериш энг тўғри йўл бўлганини бугунги натижалар ҳам кўрсатаёпти. Масалан, 1991 йил 18 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг VIII сессиясида «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»ги қонун қабул қилинган, унга асосан ярим миллионга яқин хусусий мулк эгалари пайдо бўлган эди. Мулкка эғаллик ҳуқуқининг шаклланишига асос бўлган биринчи ҳуқуқий ҳужжат ҳам ана шу қонун ҳисобланади.

Шоира ХАЙДАРОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, О'zLiDeP фракцияси аъзоси.

### «ДАК»ДАН ЯНА БИР ЯНГИЛИК

Темир йўл хизматида фойдаланаётган фуқароларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси Тошкент-Термиз-Тошкент йўналиши бўйича ҳаракатланувчи янги 480/479-сонли поезд қатновини йўлга қўйди.

ДАК таркибидagi «Ўзтемирйўлўловчи» ОАЖ ахборот хизматида хабар қилинишича, мазкур поезд оининг тоқ саналарида соат 18:00 да Тошкентдан йўлга чиқиб, эртаси куни 9:00 гача Термизга етиб боради. Вилоят марказидан соат 17:35 да Тошкентга қайтган «Темир от» 8:35 да пойтахтга кириб келади.

12 августдан бошлаб эса 380/379-сонли поезд қатновини ҳар куни йўлга қўйиш режалаштирилган.

Шухрат ХУҲАЕВ тайёрлади.



Салма, 30йр, олинган сурат

2007 йил 4 нафар тикувчи билан иш бошлаган Тошкент шаҳридаги «TOJINISO-FAYZ» хусусий корхонаси 2011 йилда масъулияти чекланган жамиятга айлантирилганидан сўнг ходимлари сонини 15 нафарга етказиб, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини ҳам кўпайтирди.

— Корхонамиз бир неча хилдаги иш кийимлари ва махсус пойабзаллар ишлаб чиқаришга ихтисослашган, — дейди МЧЖ раҳбари Васила Иноғомова. — Соҳадаги кучли рақобатни енгиш мақсадида маҳсулотлар нархини арзонлаштириб, сифатини оширган ҳолда мижозларимиз кўнглига йўл топишга ҳаракат қилаёпмиз. Бунинг учун бизга молия муассасалари томонидан ажратилаётган кредит маблағлари қўл келмоқда, десак янглишмаймиз. Хусусан, яқинда «Ўзсаноатқурилишбанк» филиалидан олинган 150 млн. сўмлик маблағ эвазига янги тикув машиналари ва замонавий ускуналар харид қилиш, ўз навбатида, 15 нафар ёш йигит-қизни иш билан таъминлашни режалаштирганмиз.

## ХАБАРЛАР

### ИШОНМАЙСИЗ, ТЕРДУ — БИРИНЧИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурдаги Давлат тест маркази маълумотларига қўра, бу йил мамлакатимиз олий таълим муассасаларига жами 480 426 нафар талаба ҳужжат топширган. Ўз навбатида, уларнинг 56 722 нафари талабалikka қабул қилиниши айтиляпти (танлов кўрсаткичи — 8,47).



Эътиборлиси, абитуриентлар сони бўйича энг юқори натижалар вилоятлардаги олий ўқув юртларида қайд этилган. Хусусан, 1660 нафар талабани қабул қила оладиган Термиз давлат университетига 24 877 нафар (бир ўринга салкам 15 нафар) йигит-қиз ҳужжат топширган.

19 532 нафар (танлов кўрсаткичи — 13,8) абитуриент билан мазкур рўйхатнинг иккинчи ўрнини Андижон давлат университети эғаллаб турибди. «Кучли учлик»дан эса 18 832 нафар (11,73) талабгор ҳужжатини қабул қилган Жиззах давлат педагогика институти ўрин эғаллади.

Марказий Осиёдаги энг йирик олий таълим муассасаси — Ўзбекистон Миллий университетида таҳсил олишни ният қилганлар сони 13 286 нафарни ташкил этди. Бу йил 1470 нафар ёшни ўз барига оладиган ЎзМУнинг танлов кўрсаткичлари эса 9,04 ни ташкил этди.

Бу борадаги энг паст кўрсаткич Миллий ракс ва хореография олий мактабига тегишли бўлиб, бу ерда 131 нафар (2,02) абитуриент ўқиш истагини билдирган. Эслаиб ўтамир: тест имтиҳонлари 1 август куни бўлиб ўтади. Ш.Хўжаев тайёрлади.

### МЎЙНОҚ МУЗЕЙИ ЯНГИ ҚИЁФАДА

Мамлакатимиз мустақиллигининг 22 йиллик байрами арафасида Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ туманидаги ўлкашунослик музейи реконструкция қилинди. Бугунлай янги қиёфа касб этган музейнинг тантанали очилиш маросимида ҳукумат аъзолари, маданият ходимлари, туман ёшлари ва ОАВ ходимлари иштирок этдилар. Ўзбекистон Республикаси Бадий академиясидан хабар қилинишича, ушбу лойиҳа Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Молия вазирлиги, шунингдек, Германия Федератив Республикаси элчихонаси томонидан молиялаштирилган. Маълумотларга қўра, 1984 йили Мўйноқ туманидаги Учсой овулида ташкил этилган музей 1998 йилда туман марказидаги маданият уйига кўчирилган. Музейдан Мўйноқ тумани тарихи, Орол денгизи, маҳаллий аҳоли турмуши, бу ернинг табияти ва ҳайвонот дунёси ҳамда машур консерва заводи ҳақида ҳикоя қилувчи 200 дан ортик экспонат жой олган.

Шу ўринда янги маданият муассасасига таширф бюрган меҳмонлар, хусусан, хориқлик сайёҳлар Оролнинг аввалги ва ҳозирги кўринишларини акс эттирувчи фотосуратлар ҳамда худуднинг ўтган асрдаги ҳолатига оид ҳужжатли фильмни ҳам мароқ билан томоша қилганларини таъкидлаш лозим.

### СИФАТЛИ ҒИШТНИ САРИСУЛДАН ТОПАСИЗ

Вобкент туманининг Сарипул худудида фаолият кўрсатаётган «Парс-Эрон» масъулияти чекланган жамияти «Ипотека банк» акциядорлик-тижорат банкининг 450 миллион сўм кредити эвазига сифатли пишиқ гишт ишлаб чиқаришни йўлга қўйди.

635 минг АҚШ доллари миқдоридagi хориқий инвестиция ҳам корхонани қисқа муддатларда ишга туширишда муҳим омил бўлди. Автоматик режимда ҳаракатланадиган сўнгги русумдаги асбоб-ускуна ва жиҳозлар ўрнатилган кичик заводда ишлаётганларнинг аксарияти касб-хунар коллежи битирувчилари эканини эса алоҳида таъкидлаш лозим. Корхона тўла қувват билан ишга тушгач, ойига 80 мингтага яқин қурилиш ашёси тайёрланади. Мутасаддиларнинг фикрича, яқин кунларда Туркменистон ва Қозоғистонга ҳам сифатли гишт етказиб бериш йўлга қўйилади.

— Асосий мақсадимиз — маҳсулот сифатини янада яхшилаш ва турини кўпайтиришдан иборат, — дейди МЧЖ раиси А.Саидов. — Келгусида коллеж талабаларининг ишлаб чиқариш амалиётини айнан «Парс-Эрон» МЧЖда ўтказишга қарор қилинган ҳам эътиборга моликдир.

Асқор ИСТАМОВ.

### БИР ҲОВУЧ ДУР

Ҳаракат қил, элни айлагил ризо, Қул-оёғин ўпу қилма норизо.

Н.Ганжавий.



СИРДАРЁ



Оқолтин туманидаги «Хамро Омон» фермер хўжалигида фаолият олиб бораётган бошланғич ташкилотда «Буюк ва муқаддасан, мустақил Ватан» мавзуда давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда мустақиллик йиллари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда амалга оширилган салмоқли ишлар, уларнинг мазмун-моҳиятини англаш ҳар бир партия аъзоси учун муҳим эканлиги таъкидланди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ



Паркент тумани «Ахборот-маслаҳат маркази»даги бошланғич ташкилотда «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини тижорат банклари ва бошқа молиявий институтлар томонидан қўллаб-қувватлаш: муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари, миллий ва хорижий тажриба» мавзуда давра суҳбати ташкил этилди. Унда ёш тадбиркорлар учун ажратилаётган микрокредитлар туфайли ишлаб чиқаришга замонавий технологиялар жорий қилиш, корхоналарни модернизациялаш имкони кенгайиб бораётгани эътироф этилди.

# БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

«XXI ASR» 2013 йил 25 июль, пайшанба

web sayt: www.21asr.uz, e-mail: xxi\_asr@mail.ru



Хабарлар

ҚАЙНОНАЛАР УЧУН ДАРС

Косонсой туман тиббиёт бирлашмасидаги БПТ аъзолари О'zLiDeP туман кенгаши, шаҳар МФЙнинг вакиллари, қайноналар, бўлажак келинлардан иборат 50 нафардан ортиқ фуқаро иштирокида соғлом авлодни тарбиялаш, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, хотин-қизларнинг тиббий малакасини ошириш, ёшлар орасида гиёҳвандлик, алкоголизм сингари зарарли иллатларнинг олдини олиш масалаларини муҳокама қилдилар. БПТ етакчиси Лобархон Акбарованинг таъкидлашича, никоҳ ёшига етмаган қизларнинг эрта турмуш куриши, қариндош-уруғлараро никоҳ, шунингдек, аёлларнинг зарарли иллатларга ружу қўйиши қандай оқибатларга олиб келишини билиш ёшлар қатори кекса ёшдагилар учун ҳам ниҳоятда муҳимдир.

БИЗ УЧУН ҚОНУН ИЖРОСИ МУҲИМ

О'zLiDeP Поп туман кенгаши ташаббуси билан «Абдулазиз поллиқлар» фермер хўжалигидаги бошланғич ташкилотда «Тадбиркорлар, фермерлар — иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг мустақкам асоси, мамлакатимизнинг узок муддатли мақсадларига эришишда ҳал қилувчи куч» мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. — Тадбиримизда партия туман кенгаши, депутатлик гуруҳининг 30 нафардан зиёд вакили қатнашди. — дейди БПТ етакчиси Расулжон Жангилов. Давра суҳбатида асосий эътибор «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг тумандаги ижроси, шу асосда яратиб берилган имтиёзларни кенг тарғиб этиш масалаларига қаратилди.

ЎТТИЗ ИККИ НАФАРМИЗ

«Агробанк» ОАТБ Асака туман филиалидаги бошланғич ташкилотда партия сафига янги қабул қилинган аъзоларга гувоҳномалар топширилди. — Ҳозиргача бошланғич ташкилотимизда 26 аъзо бор эди, — дейди БПТ етакчиси Ихтиёр Низомов. — Бугун сафимизга яна олти нафар ҳамкасбимиз қўшилди. Партия сафига янги қабул қилинган банк ходимларига гувоҳномаларни партия туман кенгаши аппарат раҳбари Матлуба Курбонова топширди.

## Қуйи бўғин тўғри йўл танлаши керак

ЖОЙЛАРДА ЭЛЕКТОРАТ ВАКИЛЛАРИНИ ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ, УЛАРНИНГ ҲАЁТИЙ МУАММОЛАРИНИ ҲАЛ ЭТИШДА Тўғри ҚАРОРЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИШ КўП ЖИҲАТДАН ПАРТИЯ ҚУЙИ Бўғинлари ЗИММАСИДАГИ МАСЪУЛИЯТГА БОҒЛИҚДИР

Асқор ИСТАМОВ, «XXI asr»

«Агробанк» очик акциядорлик-тижорат банки Бухоро вилоят бошқармасида иш олиб бораётган БПТ аъзолари ҳам ўз йўналишларидан келиб чиққан ҳолда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик вакиллари иқтисодий ҳамда ҳуқуқий билимларини оширишга алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

— Саккиз нафар аъзоси тадбиркор ва фермерларни молиявий қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш масалаларига жиддий эътибор қаратиб, иқтисодиётнинг аграр сектори вакиллари соҳага оид ангилликларни мунтазам отказацияптилар, — дейди БПТ етакчиси Маъруф Нарзиев. — Бугунги кунда банкнинг шаҳар ва туман филиалларида 15 минг 500 та юридик ва жисмоний шахс, жумладан, 5436 та кичик бизнес субъекти ҳамда 6207 та фермер ва деҳқон хўжалигига хизмат кўрсатишмоқда.

Масалан, ўтган олти ой мобайнида Юртбошимизнинг «Озиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори асосида товар ишлаб чиқарувчиларга 5 млрд. 908 млн. сўм, «Мамлакатимизда ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш»ни рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида эса 4 млрд. 622 млн. сўм кредит ажратилди. Хотин-қизлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган кредитлар эса 2 млрд. 167 млн. сўмни ташкил этди. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасига ҳам эътибор кучайтиришмоқда. Банкнинг 1 млрд. 457 млн. сўм кредити айнан



О'ZLIDeP УСТАВИДАН

**БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ АҲОЛИНИНГ ТУРЛИ ҚАТЛАМ ВАКИЛЛАРИ, ТАДБИРКОР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР, ФЕРМЕРАР, МУЛҚДОРЛАР СИНФИ ВАКИЛЛАРИНИНГ ҚОНУНИЙ МАНФААТЛАРИНИ ИФОДАЛОВЧИ ИЖТимоий-СИЁСИЙ, ИҚТисодий ВА БОШҚА МАСАЛАЛАР Бўйича ЮҚОРИ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИГА ДОИМИЙ ТАРЗДА ТАҲЛИЛИЙ МАТЕРИАЛЛАР ВА ТАКЛИФЛАР ТАҚДИМ ЭТИБ БОРИШНИ ЙўЛГА Қўяди.**

шу соҳани ривожлантиришга йўналтирилди. Тадбиркорликни танлаётган коллеж битирувчилари учун эса 561 млн. сўм ажратилди. — Ҳақиқатан ҳам тадбиркор ва

фермерларни қўллаб-қувватлаш бошланғич ташкилот аъзоларининг доимий эътиборида, — дейди «Агробанк» вилоят бошқармаси бошлиғи, О'zLiDeP фаоли Барока Толибов.

Банкнинг Гижувон филиали «Розия Бекова» фермер хўжалигига 200 миллион сўм кредит берган эди. Ана шу маблағ эвазига йигирмата иш ўрни ташкил этилди. Шофиркон туманидаги «Азим Шофиркон юлдузи» фермер хўжалигига ажратилган 146 миллион сўм кредит эса «Клаас-Доминатор» комбайнини сотиб олишга сарфланди. Когон туманидаги «Рамазон Шарипович» фермер хўжалигига иссиқхона барпо этиш учун 50 миллион сўм ажратилди. Банкнинг Қорақўл филиали эса «Шоҳруҳбек Шамсиддин Бахтиёр» МЧЖга шифер ишлаб чиқариш учун 60 миллион сўм кредит ажратгач, тўртта янги иш ўрни ташкил этилди.

— Албатта, тадбиркор ва фермерларнинг бизнес-режаларини қўллаб-қувватлаш жуда муҳим, — дейди Маъруф Нарзиев. — Аммо маблағдан тўғри ва мақсадли фойдаланиш, самарали натижага эришиш янада муҳимдир. Айнан шу масалада БПТ аъзолари электорат вакилларига кўпроқ ёрдам бераётдилар.

Шу ўринда «Агробанк» вилоят бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Эркин Рўзиев, бўлим бошлиғи Азим Аҳмедов, бош мутахассислар Абдулла Аҳмедов, Асқор Жумаев, минибанк мудир Мастира Ражабова, бош ҳисобчи муовини Зарина Каримованинг партиявий фаолиятига алоҳида тўхталиш жоиз. Улар ҳудуддаги корхоналар, ўқув муассасалари, маҳаллаларда бўлиб, О'zLiDePнинг дастурий мақсад ва вазифалари юзасидан турли суҳбатлар олиб боришарди. Айниқса, Президентимизнинг «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси»нинг мазмун-моҳияти, Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг йигирма икки йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисидаги қарори кенг тарғиб этилаётган давра суҳбатларида БПТ аъзолари истиқлол йилларида юртимизда рўй берган оламшумул ўзгаришлар, шу жумладан, сиёсий партияларнинг жамиятимизда туғган ўрни ва улар эътиборидаги вазифаларга алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

БПТ аъзоларининг «Сиёсий таълим маркази», вилоят ва шаҳар кенгаши ташаббуси билан ўтказилаётган турли тадбирларда фаол иштирок этаётганлари эса улар дунёқарашини кенгайтириб, янада фаоллик билан иш олиб боришларида қўл келаяптир.

БАНДЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ ЭНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛА



миришкор туманидаги «Бекмуродова Лобар» хусусий фирмасида иш олиб бораётган бошланғич партия ташкилотиде ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш масалалари атрофида муҳокама қилинди. О'zLiDeP туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Шарифбой Раҳмонкуловнинг фикрича, ҳудудда ҳам ушбу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунга туман кенгаши, халқ депутатлари туман кенгашидаги депутатлик гуруҳлари ҳам жалб этилган. БПТ етакчиси Лобар Бекмуродова эса бу жараёнда қуйи бўғинлар янада фаол иштирок этиши, корхона, ташкилотлар билан ҳамкорликда бўш иш ўринлари хусусидаги маълумотларни доимий тарзда таҳлил қилишлари лозимлигини таъкидлади.

— Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда ёшлар ва хотин-қизлар улушини ошириш, оилавий бизнес билан шуғулланаётган тадбиркорлар сафини кенгайтириш О'zLiDePнинг асосий вазифаларидан бири, — деди тадбирда партия фаоли Наргиза Турсунова. Л.Бекмуродова, шунингдек, фирмада 7 нафар аёл ишлаётганини, унинг қошида ташкил этилган «Ўқув маркази»да эса ўн нафар қиз кийим-кечак, каштачилик, парда, иш коржомалари тиқини ўрганишаётганига эътибор қаратиб, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун бу борада кенг имконият берганини қайд этди. Йиғилишда партия аъзоларининг иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий билимларини изчил ошириб бориш, маҳаллаларда кичик бизнесни янада ривожлантириш орқали коллеж битирувчиларини тадбиркорликка йўналтириш долзарб вазифалар эканига эътибор қаратилди.

Сайфулла ИКРОМОВ.

«ЧИМЁН»ЛИК ЁШЛАР ДОИМО УЙҒОҚ

Фаргона туманидаги Чимён ҚФЙ ҳудудиде иш олиб бораётган БПТда «Қаътий ҳаётий позицияга эга бўлган инсонни ёт гоёларга бўйсундириш ва ёлгон йўлга ундаш қийин» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Жами 50 нафар қуйи бўғин аъзоси, туман партия фаоллари қатнашган тадбирда аҳолининг сиёсий фаоллиги ва фуқаролик масъулиятини ошириш, миллий менталитетимизга ёт бўлган турли оқимларга қарши курашиш борасида нимага эътибор қаратиш муҳимлиги борасида сўз юритилди. Халқ депутатлари туман кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоларининг фикрича, бундай тадбирлар ёшларни уйғоқликка чорлаш баробарида уларни ижтимоий-иқтисодий ислохотларда фаол иштирок этишга ҳам ундайди.


Аҳроржон МУСУРМОНОВ.

ЭНДИ ДЕНУТАТЛАРНИ ТИНЧ ҚУЙМАЙМИЗ



Фаргона шаҳридаги «Фар-Самина Нафосат» хусусий корхонасининг ўн нафар ходими бошланғич ташкилот тузиш ташаббуси билан чиқди. — О'zLiDePнинг жамиятни янгиллаш ва демократлаштириш, ижтимоий-сиёсий ислохотларни изчил қўллаб-қувватлашга қаратилган фаолияти, айниқса, тадбиркорликни ривожлантиришга қўшаётган ҳиссаси бунга сабаб бўлди, — дейди БПТ аъзоси Севара Раҳмонкулова. — Корхонамизга халқ депутатлари вилоят ва шаҳар кенгашиларидаги партия депутатлик гуруҳи вакиллари тез-тез тақлиф этиб, турли тадбирлар ўтказишни режалаштиряпмиз, — дейди бошланғич ташкилот етакчилигига сайланган Фаруҳ Турдиқулов. — Шу йўл билан жойлардаги иқтисодий-ижтимоий муаммоларга депутатлар эътиборини қаратмоқчимиз.

«БАЛИҚЧИ» БОШЛАНИШИ, ХОЛОС



О'zLiDeP Балиқчи туман кенгаши ташаббуси билан «Балиқчи» ҚФЙ ҳудудидеги БПТда «Оилавий тадбиркорликдан — мустақкам оилага» лойиҳаси доирасида «Мамлакатимизда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш масалалари: маҳаллий тажрибани ўрганиш ва оммавийлаштириш» мавзусида семинар ташкил этилди. Қуйи бўғин етакчиси Назира Азимжонованинг таъкидлашича, 35 нафар маҳалла фаоли, тадбиркор аёллар иштирок этган семинарда халқ депутатлари туман, вилоят кенгаши депутатлари Оқибатхон Жақбаров, Малаҳат Ёқубованинг қатнашгани «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонуннинг моҳияти, маҳаллаларда оилавий корхоналар очиш, қасаначилик ва хунармандчиликни ривожлантиришда партиявий лойиҳанинг аҳамияти тўғрисида кенгрок маълумотлар олиш имконини берди.

Тадбир сўнгиде бундай семинарларни барча ҚФЙларда ўтказиш, партиявий лойиҳаларнинг тарғибот-ташвиқотини янада кучайтиришга келишиб олинди.

СОН ЭМАС, СИҒАТ

Риштон туманидаги «Ихтиёр СММК» фермер хўжалигиде янги бошланғич ташкилот иш бошлади. 10 нафар аъзодан иборат БПТга фермер хўжалиги раҳбари Мўстабархон Аҳмедова етакчи этиб сайланди. — Аъзоларимиз асосан ёшлардан иборат, — дейди БПТ аъзоси Алижон Мирзақаримов. — Тўғри, ҳали озчиликмиз, аммо партиявий фаолиятда сон эмас, кўпроқ сиғат муҳим, деб ҳисоблайман. Маслақдошларимиз билан партиянинг Сайловолди дастурида белгиланган мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, юртимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг фаол иштирокисига айланганини ниёт қилдик. БПТ аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини янада ошириш мақсадида фермер хўжалигиде «Маънавий хонаси» ҳам ташкил этилди. Унда Президентимиз асарлари, илмий адабиётлар, ўқув қўлланмалари ўрин олди.



Реклама ўрнида



## Кулай, ишончли, барқарор

МАМЛАКАТИМИЗ МОЛИЯ БОЗОРИДА ЎЗ ЎРНИГА ЭГА БЎЛГАН «ИПОТЕКА БАНК» АКЦИЈАДОРЛИК-ТИЖОРАТ ИПОТЕКА БАНКИ ТОМОНИДАН ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ ЎТГАН 6 ОЙИ ДАВОМИДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИГА 280,8 МЛРД. СЎМ МИҚДОРИДА КРЕДИТ АЖРАТИЛДИ

Акбар МУЗАФФАРОВ,  
«XXI asr»



Бу 2012 йилнинг айнаи шу даврига нисбатан 61,8 млрд. сўм кўп кредит берилди, деганидир. Шу ҳисобдан жойлардан 5500 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди.

Айнаи кунда банк 54 мингга яқин кичик бизнес субъектларига намунали хизмат кўрсатайти, десак алашмаймиз. Хусусан, банк мутасаддилари ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, қурилиш соҳаларини ривожлантиришга жиддий эътибор қаратмоқдалар. Ана шу мақсадлар учун ҳозиргача жами 60,2 млрд. сўм миқдоридан сармоя йўналтирилди. Кредитлардан 30,3 млрд. сўми хотин-қизлар тадбиркорлигини ривожлантириш, 43,7 млрд. сўми хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини кенгайтириш, 3 млрд. сўми оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни йўлга қўйиш, 3,6 млрд. сўми касб-хунар коллежлари битирувчиларининг лойиҳаларини молиявий қўллаб-қувватлаш, 38 млрд. сўми озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослашган корхоналарни замонавий ускуналар билан таъминлаш, 74,2 млрд. сўми эса ноозиқ-овқат товарлари ишлаб чиқаришни янада тараққий эттириш ва бошқа мақсадларга мўлжалланди. Шунингдек, ёш оилалар учун ҳам 3,5 млрд. сўм микрокредитлар ажратилди.

даги мақсадлар учун «Ипотека банк» томонидан корхоналарга экспортни рағбатлантириш учун 51 млрд. сўм миқдоридан кредит ажратилди. Эҳтилоҳда 736,3 млн. АҚШ доллари миқдоридан 327 та имзоланган экспорт шартномаси рўйхатга олинган. Ушбу шартномалар асосида йил бошидан бери 433,2 млн. АҚШ доллари миқдоридан экспорт тушуми амалга оширилди.

Чиндан ҳам «Ипотека банк» бундай йирик инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш учун етарлича салоҳиятга эгадир. Хусусан, кейинги йилларда инвестицион лойиҳаларни танлаш, таҳлил қилиш, уларни миллий ва хорижий валютлада кредитлаш масаласига жиддий эътибор қаратилмоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнида банк томонидан ушбу соҳаларда 218,1 миллиард сўм миқдоридан кредит ажратилгани, 1 июль ҳолатига кўра, унинг қолдиги 1 трлн. 15 млрд. сўмини ташкил қилгани ҳам фикримизни тасдиқлайди.

Турмуш маданиятини яхши-

лаш, аҳоли фаровонлигини ошириш айнаи кундаги долзарб вазифалардан биридир. «Ипотека банк» жамоаси ҳам ана шу эзгу ниятлар йўлида астойдил меҳнат қилмоқда. Мана, бир мисол. Тошкент шаҳри ва вилоятлар марказларида ёш оилаларга мўлжалланган 20 та кўп қаватли уй-жой қурилишини молиялаштириш учун 61,7 млрд. сўм миқдоридан кредит маблағлари йўналтирилди. Ҳозиргача ушбу турар-жойларнинг 6 таси фойдаланишга топширилган бўлса, 14 тасида бунёдкорлик ишлари давом эттирилмоқда.

Умуман, йил охирига қадар республикамизнинг турли ҳудудларида 27 та янги уй-жой бинолари қурилиши банк томонидан молиялаштирилди.

Президентимиз қарори билан тасдиқланган «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жойлар қуриш Дастури» бу борда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Хусусан, 2013 йилда банкнинг вилоят филиаллари орқали қишлоқ ҳудудларида намуна-

вий лойиҳалар асосида яқка тартибдаги 120 та уй-жой қурилиши режалаштирилган. Ушбу мақсадлар учун 85,1 млрд. сўм сармоя йўналтирилди. Шундан 15,5 млрд. сўми (7,4 млн. АҚШ доллари) Осиё Тараққиёт банкнинг мақсадли кредит линияси, 23,7 млрд. сўми Молия вазирлигининг мақсадли сармояларидир. Қолгани эса «Ипотека банк» (10 млрд. сўм) кредитлари ҳамда аҳоли маблағлари (35,9 млрд. сўм) ҳиссасига тўғри келади.

Пул-кредит муносабатларини йўлга қўйиш борасидаги бундай иборатли ишлар дунё миқёсида ҳам эътироф этилмоқда. Жумладан, жорий йилнинг май ойида «Standard & Poor's» халқаро рейтинг агентлигининг «В2» рейтинг эълон қилинганлиги диққатга моликдир. Буларнинг ҳаммаси «Ипотека банк» акциядорлик-тижорат ипотека банки жамоасининг фидоқорона меҳнати ва изланишларидан яққол далолат берапти.

АНАШУ МАҚСАДЛАР УЧУН ҲОЗИРГАЧА ЖАМИ 60,2 МЛРД. СЎМ МИҚДОРИДА САРМОЯ ЙЎНАЛТИРИЛДИ. КРЕДИТЛАРДАН 30,3 МЛРД. СЎМ ХОТИН-ҚИЗЛАР ТАДБИРКОРЛИГИНИ КЕНГАЙТИРИШ, 43,7 МЛРД. СЎМ ХИЗМАТ КўРСАТИШ ВА СЕРВИС СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ, 3 МЛРД. СЎМ ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК ВА ХУНАРМАНДИЧИЛИКНИ ЙЎЛГА ҚЎЙИШ, 3,6 МЛРД. СЎМ КАСБ-ХУНАР КОЛЛЕЖЛАРИ БИТИРУВЧИЛАРИНИНГ ЛОЙИҲАЛАРИНИ МОЛИЯВИЙ ҚўЛЛАБ-ҚУВАТЛАШГА ЙЎЛГА ҚўЙИЛГАН

## ҚАДР-ҚИММАТИМ, ТАЯНЧИМ ВА ИФТИХОРИМСАН, МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОН!



Мамлакатимизда ўсиб келаётган авлоднинг jismonan soglom va maъnaviy barkamol бўлиб вояга етиши учун барча шароит яратилмоқда. Бунинг учун «Кувош» мактабгача таълим-тарбия муассасаси мисолида ҳам қўриш мумкин. Айнаи кунда мазкур муассасада 113 нафар бола тарбияланмоқда. Бу ерда меҳнат қилаётган унга яқин педагог-ўқитувчи таълимнинг ноанъанавий усулларидан фойдаланган ҳолда ўқил-қизларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратапти. Бойчада хорижий тиллар бўйича машғулотлар йўлга қўйилган. Маданий-маърифий тадбирлар ва спорт мусобақалари доимий ўтказиб келинади.

## Дастур Ва ижро

Реклама ўрнида

## Сертификат ОЗИҚ-ОВҚАТ ХАВФСИЗЛИГИ КАФОЛАТИ ЭКАНИНИ УНУТМАНГ

«ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИНГ СИФАТИ ВА ХАВФСИЗЛИГИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИ АҲОЛИНИ СИФАТЛИ ВА ХАВФСИЗ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ АҲАМИЯТ КАСБ ЭТМОҚДА

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳасида мамлакатимизда карбон-боши ҳисобланган Навоий вилоятида мустақиллик йилларида галла етиштириш бўйича ҳам ўзига хос мактаб яратилди, десак муболаға бўлмайдими. Бунинг сифати кўрсаткичлари экстрем, олий, биринчи ва иккинчи нав билан таснифланади. Дондорлиги эса 0, 1, 2 ва 3 рақамлари билан кўрсатилади.

Шу ўринда аҳоли ўртасида қалқонимон без касалликлари тарқалишининг олдини олиш мақсадида ош тузини йодлаш миллий дастури қабул қилинган, савдога чиқариладиган маҳсулотнинг бир тоннаси 40-15 грамдан калий йодид ёки калий йодид препараты билан тўйинтирилган бўлиши лозимлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Калий йодид билан ишлов берилган маҳсулотнинг яроқлилик муддати бир йил, калий йодид қўшилган маҳсулотнинг яроқлилик муддати эса аттиги уч ой эканини унутмаслик керак. Бундан ташқари, ош тузи қулисидати ёзувлар миллий стандарт бўлиши ва қайта йодланиши шарт. Шу боис истеъмолчи ош тузи харид қилганда

ғанда сотувчидан «Мувофиқлик сертификати»ни талаб қилиб, тузининг сифатли эканлигига ишонч ҳосил қилиши лозим. Гоҳи бозордан харид қилган нонингиз иссиқ ва бўрсилдоқ пайтида мазани туйилди, эртасига эса аччиқ, тахиртаъм бўлиб қолади. Бу — яхши ош тузи ўрнига сифатли сертификатга эга бўлмаган, хома-иш зарари аралашма-лардан тозаланмаган, арзон-гаров техник туз ишлатилгани оқибатидир.

Айнаи пайтда Навоий вилояти ҳудудига туз конлари ва йодланган ош тузи ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи кўпгина корхоналар бўлиб, уларда ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг марказимиз ҳузурига ташиқ этилган сертификатлаштириш органи талабларига мувофиқлигини тасдиқлаш учун ҳар олти ойда бир марта инспекцион назорат қўриги ўтказилмоқда. Натияжада йил бошидан бери яқка тадбиркор «Лазиз Бобур Чарос» номига берилган мувофиқлик сертификатининг амал қилиши тўхтатилди. «Навоий ош тузи» МЧЖга берилган сертификат ҳам бекор қилинди. Худди шунингдек, марказимизнинг синов лабораториясида ўтказилган таҳлил натижаларига кўра, «Хунарманда» кичик корхонаси, «Шерали Хонзода» ҳамда «Ahmedov Husen Zayniyevich» МЧЖларида меъёрий ҳужжатлар талабига жавоб бермайдиган маҳсулот ишлаб чиқариладиганлиги аниқланди.

Бу эса фуқароларимиз ҳаёти, уларнинг соғлиғи билан ҳамбарчас боғлиқ жараён доимо назорат қилинаётганига мисол бўлиши мумкин.

Евгения КАСИМОВА,  
Навоий вилояти синов ва сертификатлаштириш маркази синов лабораторияси бошлиғи.  
Фозилат ХАСАНОВА,  
Озиқ-овқат ва қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини сертификатлаштириш идораси раҳбари.

## Хабарлар



### ТАЪТИЛ УЧУН МАХСУС «ТАЪТИЛ»

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЙХХББ йўлларда болалар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида махсус режа ишлаб чиқди. «Таътил» деб номланган ана шу режага асосан болалар дам олаётган барча оромгоҳларга ДЙХХХ ҳодимлари бириктирилиб, ҳаракат хавфсизлиги бурчаклари ва автомайдончалар ташкил қилинди. Улар «Йўл ҳаракати қондалари» китоби, ҳаракат хавфсизлигини тарғиб қилувчи расмлар ва бошқа кўргазмалар қуроллар билан жиҳозланиб, ёш автоназоратчилар гуруҳлари ўртасида турли мусобақа ва викториналар ўтказилапти.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар, Халқ таълими, Соғлом авлод учун халқаро хайрия жамғармаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ва «Тадбиркор аёл» Ўзбекистон ишбилармон аёллар ассоциациясининг қўшма қарорига асосан эса Сирдарё вилоятининг Гулистон шаҳрида «Йўл ҳаракати ёш назоратчиларининг республика слёти» ҳам ташкил этилди. Мусобақа иштирокчилари «Пийдалар ҳаракати», «Ҳаракатни тартибга солиш (регуляровка)», «ИТХда жароҳатланганларга биринчи тез тиббий ёрдам кўрсатиш», «Ёш велосипедчи», «ЙХҚдан назарий имтиҳон», «Макег ясаш», «Радио тўқилари орқали бошқариладиган транспортлар ҳаракати», «Тарғибот гуруҳларининг чиқиси» каби йўналишларда ўзаро беллашдилар.

Мусобақа якунида голибликни қўлга киритган ёш автоназоратчилар жамоаларига ташкилотчилар томонидан мукофотлар топширилиб, 2014 йилги слёт мусобақаларини Жиззахда ўтказишга келишиб олинди.

Акмал ЮНУСОВ, Ички ишлар вазирлиги ЙХХББ инспектори.

### БАЙРАМГА ТАРАДУД ДАВОМ ЭТМОҚДА

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 12 июнда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йиғирма икки йиллик байрамга тайёргарлик қўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ жойларда урғунлиқ тадбирлар турли маданий-маърифий тадбирлар бўлиб ўтмоқда.

Тошкент вилояти шаҳар ва туманларида ҳам энг улғу, энг азим айём — Мустақиллик байрами арафасида ижодкорлар, санъаткорлар ва олимлардан иборат тарғибот гуруҳлари аҳоли билан учрашувлар ўтказмоқда.

Кибрай туманидаги «Ўнқўрғон» кишлоқ фуқаролар йиғинида бўлиб ўтган тадбирда истиқлол берган имкониятлар, барча соҳада олиб бориладиган ислохотлар, улкан бунёдкорлик ишлари инсон манфаатларини таъминлашга йўналтирилгани хусусида сўз юритилди. «Қадр-қимматим, таянчим ва ифтихоримсан, мустақил Ўзбекистон!» ғоясининг мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон халқ артисти Т.Мўминов, шоира К.Раҳимбоева ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ислохотлар самаралари аҳоли турмуш фаровонлигининг юксалиб бораётгани, ҳаётимизда юз бераётган ўзгариш ва янгиланишларда ўзининг ёрқин фидосини топаётганини алоҳида таъкидлади. Ватан, истиқлол, тинчлик мавзусида шеърлар ўқиди, дирабога куй-қўшиқлар янгради.

Энг улғу, энг азим байраминимизга бағишланган тадбирлар вилоятнинг Чирчик ва Бекобод шаҳарлари, Янгийўл ва Бўстонлик туманларида ҳам ўтказилди.

Х.САЛИМОВ, ЎЗА муҳбири.

### СУРҲОНДАРЕЛИК ЁШЛАРГА 7 ТА ЙЎЛЛАММА

Термиз шаҳрида «Ёш тадбиркор — юртга мададор» ва «Ёш тадбиркор — келажакка пойдевор» лойиҳалари танловининг Сурхондарё вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Унда шаҳар ва туман босқичларида сараланган 18-30 ёшли етмишга яқин ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари битирувчиси ва маҳалла ёшлари ўз бизнес лойиҳалари билан иштирок этидилар.

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Микрокредитбанк», «Агробанк» очик акциядорлик-тижорат банклари ҳамда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур танлов кунда энг намунали еттига бизнес-роя танлаб олинди, уларнинг муаллифлари маълакат босқичида иштирок этиш учун йўлланмалар берилди.

— Қумқўрғон агросаноат касб-хунар коллежидан маволадим, — дейди Навбахор маҳалласида истиқомат қилаётган Махбуба Холсидова. — Кишлоқимизда етиштириладиган миваларни замонавий технология асосида қуритиб, арзон нархларда савдога чиқариш мумкин. Ушбу ғояни Бухоро шаҳрида ишлаб чиқарилаётган минитехнология ёрдамида амалга ошириш учун 12 миллион сўмлик бизнес-режа тайёрладим. Лойиҳам танловда қўллаб-қувватланганидан хурсандим.

Мусурмон РЎЗИЕВ тайёрлади.



## Термит балоси

МУТАХАССИС ВА ТАҲЛИЛЧИЛАРНИНГ ФИКРИЧА,

«ТЕРМИТ» ДЕБ АТАЛУВЧИ ҲАШАРОТ КЕЛТИРАЁТГАН ЗАРАР 20 МИЛЛИАРД АҚШ ДОЛЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТАЯПТИ

Мусурмон РЎЗИЕВ,  
«XXI asr»

Ушбу ҳашарот турининг ёғоч, гиштин девор ва темир томларни ҳам кемириб ташлаётгани ҳақиқатан ҳам дунё миқёсида жиддий хавотирга сабаб бўлмоқда.

Гарчи бу ҳашарот халқ орасида «оқ чумоли» деган ном билан «танилган» бўлса-да, аслида у оддий чумолидан кескин фарқ қилади. Мутахасссларнинг таъкидлашича, аъзолари сони бир неча мингдан бир неча миллионгача етadиган гуруҳларга яшайдиган термитлар ўта очофат бўлиб, табиий шароитда асосан ўсимликлар билан озиқланади. Лекин уларнинг энг яхши кўрган неъмат — ишлов берилган дарахтдир. Улар ер остидан бошлаб юқорига ҳаракатланган ҳолда йўлида учраган барча буюмларни — таянч устунлар, эшиклар, дераза ромларини ҳам еб кетаяверади. Эътиборлиси, бу вақтда ана шу буюмларнинг ташқи кўриниши ўзгармайди. Аммо вақти келиб, мустақкам ва пухта қурилган бино бир уюм пайрахага айланиши мумкин. Агар термитлар сони кўпайиб кетса, улар боғлар, томорқалар ва ҳатто бутун қишлоқларга ҳам қирғин келтириши мумкин.

Маълумотларга кўра, термитнинг қарийб уч минг тури бўлиб, АҚШда уларга қарши кураш учун ҳар йили 2 млрд. доллар миқдорда маблағ сарфланапти. Малайзияда эса давлат барча қурилиш ишларига ажратаётган маблағнинг 75 фоизини термит балосини бартараф этишга йўналтираяпти.

Ҳозирги кунда термитлар муаммоси дунёнинг кўпгина давлатларини қамраб олган бўлиб, айниқса, тропик мамлакатларда уларнинг ҳужуми ҳақиқий табиий офат тусини ола бошлади. Ажабланирлиси, ўтган асрнинг 50-йилларида термитларнинг кутубхоналар ҳамда бошқа илм-маърифат масканларидаги ақабатиди Латин Америкаси давлатларида китоб тақчиллиги пайдо бўлган.

Умуман олганда, термитларнинг нималарга қодир экани тўла англаниш, шаҳар ва қишлоқлар аҳолиси мазкур офат билан фаол курашишга ўтди. На-тижада қурилишларда кўпроқ темир-бетондан фойдаланила бошланди. Биноларнинг ёғоч қисмлари эса махсус қоринч-малар ёрдамида ишлов бериш йўлга қўйилди. Лекин ҳозирча термит ва инсоният ўртасидаги курашда ҳашаротлар қўли балинд келаяпти. Ўз навбатида, ҳашарот-шунос биологларнинг фикрича, бу кураш ҳеч қачон тугамайди. Чунки термитларнинг турдошлари бўлмиш суваракларга қарши уруш эълон қилган инсоният бир неча асрдан буён улардан қутулиш йўлини топганича йўқ.


Шу ўринда термитлар масаласи ниҳоятда жиддий эканини таъкидлаш жоиз. Уларнинг баъзилари ер устида яшаса, баъзилари ер остида истиқомат қиладилар.

МДХ давлатларида бу ҳашаротнинг 7 та тури бўлиб, шундан 4 таси Туркменистон ҳудудида учрайди. Шу ўринда Ўзбекистонда бир қатор тарихий ёдгорликларга зарар етказётган мазкур зараркунандани қарши ку-

чироклари, сув ҳавзалари атрофида тўдаланиб, турар-жойларга кирмоқдалар. Ҳатто одамларнинг сочларида ҳам термитлар борлиги аниқланапти.

Шу ўринда Хитой ва Японияда бутун бошли тўғонларга талафот етказётган термитлар сув бостириш йўли билан йўқ қилинаётганини таъкидлаш жоиз. АҚШ, Австралия, Бразилияда эса уларга қарши заҳарли хўраклар яратилган. Аммо улар нархи жуда қимматлиги боис, амалиётда кам қўлланилаётган.

МДХ давлатларида бу ҳашаротнинг 7 та тури бўлиб, шундан 4 таси Туркменистон ҳудудида учрайди. Шу ўринда Ўзбекистонда бир қатор тарихий ёдгорликларга зарар етказётган мазкур зараркунандани қарши ку-



**Кўринмас босқинчиларнинг ҳар йили келтирадиган зарари океанортининг ўзида 5 миллиард долларни, бутун дунёда эса 20 миллиард долларни ташкил этмоқда.**

ди. Лекин улар турига боғлиқ бўлмаган ҳаёт тарзининг умумий тусосятлари ҳам бор. Масалан, турдошларнинг ўзи бошқа-бошқа гуруҳларга бўлинган: «қирол» ва «қиролича» — насл давомчилари вазифасини бажарса, «ишчи» термитлар озука етказиб бериш, инни тозалашда тутиш, ёш авлодни парвариш-лаш билан шуғулланади. Ўткир тишли «зобитлар» эса иннинг барча кириш жойларида навбатчилик қилиб, уяни душманлардан ҳимоя қилади.

Термитлар масаласини узоқ йиллардан буён ўрганаётган таҳлилчилар улардан энг катта зарар кўрадиган ҳудудлар сирасига олдига АҚШнинг гарбий шпательларини киритди. Кўринмас босқинчиларнинг ҳар йили келтирадиган зарари океанортининг ўзида 5 миллиард долларни, бутун дунёда эса 20 миллиард долларни ташкил этмоқда.

Бу йил термитлар ҳужумидан энг катта жабр кўрган шаҳарлар орасида Янги Орлеан, Метери (Луизиана штати) ва Мобайла (Алабама штати) шаҳарлари эътироф этилмоқда.

Бу ерларда ҳашаротлар кўча

рашнинг аниқ чора-тадбирлари ишлаб чиқилганини, бу борада барча вилоятларда кенг қўлдан олиб борилаётганини айтиш лозим. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 2 февралдаги «Термитга қарши кураш ишларини жадаллантириш ва унинг зарарларини бартараф қилиш тўғрисида»ги қароридан сўнг бу масалага эътибор янада кучайди. Ўзбекистон Фанлар академияси Ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институтини ҳузурида эса «Термитга қарши кураш маркази» ҳам ташкил қилинди. Мазкур муассаса директори, профессор Алтоудин Ҳамроевнинг таъкидлашича, мамлакатимизда термитларга қарши кураш 1992 йилдан бошланган. Бунга Оқёё қишлоғида (Риштон тумани) термитдан жиддий зарар кўрилгани сабаб бўлган. Бу ерда 270 та хонадон кўчирилиб, термит зарарлаган барча ёғоч ва бошқа материаллар ёқиб ташланди. Тупроқ кучли кимёвий моддалар билан дориланган. Аҳоли яшаган ҳудуд эса экинзорга айлантирилган. Шундан буён республикамизда ушбу зараркунандани қарши курашнинг янги

технологиялари ишлаб чиқила бошланди.

Уларга кўра, термитларга заҳарли ва патогенли хўраклар берилиб, улар популяцияси тўлиқ йўқотилади. Олимларнинг эътирофи эътиборлики, ХХ асрнинг иккинчи ярмидан қўлланилаётган бундай чоралар давомида термитлар «маликаси»ни йўқ қилиш мўлжалланмаган эди. Яъни, зараркунандани «маликаси» ер ости сувларининг сағҳига қараб, турли чуқурликда (2,5-16 м.) ҳаёт кечиради ва ҳар бир дақиқада 30 донга, бир суткада эса 42500 донгача тухум қўяди. Янги технологияда эса хўракларни (заҳарли ёки патоген) ишчи термит бир-бирига оғзи орқали едириб, уни суюлтирган ҳолда маликасига ҳам етказилади ва шу тўғрисида ҳашаротлар оиласи қирилиб кетади.

Яна бир фикр: узоқ муддат давомида синовлан ўтказилган бундай кимёвий препаратлардан тегишли санитария ташкилотларининг руҳсати билан заҳарли хўраклар тайёрлашда фойдаланилади. Уларни қўллаш метёри эса қишлоқ ҳўжалик экинлари

зараркунандаларига қарши нормалдан бир неча юз марта пастдир. Улардан шу кунга қалар аҳоли хонадонларида, маданий-тарихий ёдгорликларда, ижтимоий соҳа объектларида ҳам қўлланилапти.

Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 23 февралдаги йиғилиши баёни асосида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, вилоятлар дезинфекция станциялари, ўсимликларни ҳимоя қилиш марказлари, аҳоли масканлари, маданий ва тарихий обидалар, вазирик ва илоралар, қорхона ва ташкилотларга тегишли барча бино, иншоотлар, ер майдонлари, даладар тўлиқ хатловдан ўтказилди.

Марказ фаолиятини тўлиқ амалга ошириши учун Зооло-

гия, ўсимлик ва ҳайвонот олами генофонди институтини томонидан зарур воситалар билан таъминланди. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантириш қўмитасидан «Термитларга қарши ёғоч материаллар барқарорлигини ошириш технологияси» лойиҳаси учун маблағ ҳам ажратилди.

Натижада шу кунга қалар антитермит мосламасида 28000 дондан ортиқ заҳарли хўрак тайёрланиб, уларнинг 14200 донга Хива шаҳридаги «Ичанқалъа» музейи маданий-тарихий ёдгорликларни муҳофазаси учун ажратилди. Олий ўқув юрларининг Биология ва Ўсимликларни ҳимоя қилиш йўналишлари талабалари учун «Ҳашаротлар

экологияси» ва «Биозарларнинг асослари» дарсликларини яратилди.

Авваллари институтнинг ўзи термитларга қарши кураш олиб борган бўлса, эндиликда бу муҳим ишга республика Санитария-гигиена маркази қошидаги дезинфекция станциялари, ўсимликларни ҳимоя қилиш вилоят марказлари ҳам жалб қилинган.

Хуллас, бутун дунё олимларини ўйлантираётган термит балосига Ўзбекистонда ўзига хос тарзда кураш олиб борилгани оқибатида салмоқли натижаларга эришилмоқда. Аммо шу ўринда мулкка етказилган зарар ҳисобга олинмаса, мазкур ҳашарот тури бевоқиф инсонга ҳеч қандай зарар туғдирмаслигини таъкидлаш жоиз.

## Воқеалар, галлимлар, шарҳлар

### ЛИБЕРАЛЛАР ЯПОНИЯДА ЕТАКЧИ



Японияда парламентнинг юқори палатасига ўтказилган сайлов натижалари ҳали эълон қилинмаган бўлса-да, кўпчилик овозини мамлакат Либерал-демократик партияси вакиллари олингани айтилапти. «Янги Комэйто» партияси эса иккинчи ўринни банд этиши тахмин қилинмоқда. Агар тахминлар тўғри чиқса, ана шу икки партия вакиллари 121 ўридан 75 тасини эгаллайдилар. Қолган мандатлар эса бошқа сийёсий куч вакиллари ўртасида тақсимланади.

### БИР КУН ВА УЧ ЙИЛ

АҚШнинг WTI тоифали нефти кейинги уч йилда биринчи марта Европанинг Brent тоифали маҳсулотидан қимматроққа сотилди. Мутахассслар фикрича, бу нефть оқимларининг АҚШ марказидан чекка ҳудудларга йўналтирилаётгани билан боғлиқ. WTI 2010 йилнинг августидан шу кунгача Brent нархидан ошмаган эди, лекин бир кунлик савдолар натижасида унинг баҳоси кескин кўтарилиб кетди.

### МОСКВА ДАРЁСИ... МОСКВА УЧУН ХАВФЛИ



«Гринпис» халқро ташкилоти экологлари Россия пойтахтининг Москва дарёси нафакат ўсимлик ва балиқлар, балки одамлар учун ҳам хавфли сув ҳавзасига айланганини маълум қилаяптилар. Мутахасссларнинг фикрича, сувда марганец, мис, алюминий ва стронций моддалари меъридан ошиб кетган. Тўғри, бу унсурлар инсон организмидан бор, лекин улар миқдори меъёрдан ошса, турли касалликларга олиб келиши мумкин. Масалан, стронцийнинг ошиб кетиши суяк касалликларига, алюминийнинг кўпайиб кетиши эса марказий асаб тизимининг ишдан чиқishi олиб келади.

Ташкир, дарёда симоб миқдори меъёрдан 20 марта ошган. Гап шундаки, организмга тушган симоб зарарчалоқли оқил алмашинувини ишдан чиқаради, асаб тизими ва буйракларга зарар етказиб, руҳий касалликларга олиб келади. «Гринпис» экологлари томонидан ўтказилган тадқиқотлар натижалари Россия табиат муҳофазасини назорат қилувчи ташкилотга жўнатилди. Хабарларга қараганда, мазкур ташкилот уларни Москва шаҳар прокуратурасига топширмоқчи.

### ГАЗ ТОНГАНГА — ИМТИЁЗ

Буюк Британия молия вазири Жорж Осборн мамлакат ҳудудида сланецли газ казиб чиқариб, қайта ишловчи компаниялар учун «дунёдаги энг имтиёзли солиқ шароити» яратишни ваъда қилди. Молия вазирилик тасдиқлаган режага кўра, сланец гази соҳасида иш олиб бораётган энергетик компаниялар тўлайдиган даромад солиқлари икки ҳиссага камайтирилади.

«Сланец газининг аҳамияти жуда катта ва у Британия иқтисодиётининг тараққиётига хизмат қилиши керак», — деди Жорж Осборн. Бу соҳанинг ривожланиши мамлакатнинг энергетик хавфсизлигини оширади ва янги иш ўринлари яратиш имконини беради. Рейтер ахборот агентлиги маълумотларига кўра, Буюк Британияда сланец гази захиралари жуда катта ва у яқин 100 йил ичида миллий иқтисодиётнинг энергетика манбаларига бўлган эҳтиёжини тўлиқ қоплай олади.

Гуноза МУҲИДДИНОВА тайёрлади.

## Ижтимоий реклама

### «ЭЪТИРОФ — 2013»

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорликда мағбуот ва интернет нашрларда жамият ҳаётида кечаётган жараёнлар тезкор, холис ва ҳаққоний, таҳлилий жиҳатдан юксак савияда ёритилган материаллар қўламини ошириш, босма нашрларни шаклан ва мазмунан такомиллаштириш, уларнинг жаҳон стандартларига мос ривожланиши, дунё ахборот майдонида ўз ўрнини эгаллаши, рақобатбардош бўлиши, нуфузи ошишига қўмаклашиш, журналистларнинг касбий маҳоратини ошириш, нашрлар ўртасида профессионал алоқаларни йўлга қўйиш, тажриба алмашишга ёрдам кўрсатиш, иқтисодий муаллифларни рағбатлантириш мақсадида газета, журналлар, интернет агентликлари ва нашрлари ўртасида «Эътироф» танловини эълон қилади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди молиявий қўмағида ўтказилади.

#### Танлов номинациялари:

- энг яхши ижтимоий-сийёсий нашр;
- энг яхши иқтисодий нашр;
- энг яхши спорт нашри;
- энг яхши болалар нашри;
- газета-журналнинг энг яхши дизайни учун;
- энг яхши интернет-агентлиги ва нашри.

#### Танлов ўтказиш тартиби ва шартлари

Ғолиблар 2012 йилнинг 1 сентябридан 2013 йилнинг 1 сентябргача олиб борилган фаолият натижаларига кўра аниқланади. Ғолиблар қуйидаги мезонлар бўйича аниқланади:

- нашрнинг ўз йўналиши бўйича оммавийлиги;
- материалларнинг ранг-баранглиги ва долзарблиги;
- бадиий-эстетик безатилиши.

Танловга тақдим этилган ижодий ишлар етакчи журналистлар, жамоат ташкилотлари ва тегишли илоралар вакилларидан иборат ҳайъат томонидан баҳоланади.

Танловда қатнашиш истагини билдирган таҳририятлар фонд дирекциясига ёзма равишда мурожаат қилишлари лозим.

#### Ғолибларни тақдирлаш

Танлов ғолиблари «Ўзбекистон Матбуоти» III Миллий форумида эълон қилинади.

Танловда қатнашиш учун аризалар 2013 йил 5 сентябргача қуйидаги манзилда қабул қилинади: 100129, Тошкент шаҳри, А.Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 1-хона. Мурожаат учун телефонлар: 244-14-28, 244-12-51, www.mmf.uz, e-mail: mmfuz@inbox.uz, info@mmf.uz. Ташкилий қўмита.





**ОЗОД ЮРТНИНГ  
ОБОД ОИЛАСИ**

Тошкент шаҳар, Чилонзор туманидаги «Навбахор» маҳалласида истиқомат қилувчи Собир Орипов хонадонини намунали оилалардан бири сифатида тилга олсак, асло адашмаган бўламиз. Зеро 34 йил давомида «Тошкентсуғкорхонасида меҳнат қилиб, ҳамкасблари, қўни-қўшнилари ва ёру биродарлари орасида меҳнатқаш, ҳалол ва меҳр-оқибатли инсон сифатида ном қозонган Собир ака 2004 йилда ўз маҳалласига раисликка сайланди. Оксоқол бўлиб ишлаган пайтида асосий эътиборини маҳаллани ободонлаштириш ва кўчаларнинг яшилдириш масаласига қаратди. Натижада «Навбахор» маҳалласи ўз номига мос тарзда ўзгариб, кўркам ва хушманзара масканга айланди. Доимо эл-юртга сидқидилдан хизмат қилишни ўз бурчи деб билган С.Орипов айни пайтда маҳалладаги «Шижоат коммуналчи» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатига етакчилик қилапти.

— Кўп йиллик фаолиятим давомида имкон қадар ён-атрофдагилар оғирини енгил қилиш, қўлимдан келганича уларга ёрдам бериш, асосийси, бунди ўғил-қизларимга ҳам ўргатишга ҳаракат қилдим, — дейди у. — Бинобарин, ота-она хамиша фарзандларига ўрнатилган қадриятларни ўргатишда қўлимдан келганича ҳар қандай ҳаракат қиламан.

Турмуш ўрतोғи Нортожи опа билан 3 ўғил ва 1 қизни тарбиялаб, уйли-жойли қилган Собир ака энди бир-бирдан ширин 7 нафар неваралари озуларини рўйбга чиқариш ташвиши билан банд.



Гидрометеорология марказидан олинган маълумотларга кўра, 25 июль—1 август кунлари Ўзбекистонда об-ҳаво ўзгаришлари бўлиб, ёгингарчилик кўтилмайдиган. Шамол шарқдан 7-12 м/с тезликда эсади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳарорат кечаси 20-25, кундузи 34-39, баъзи жойларда 40-42, ҳафта охирига бориб эса 39-43 даража иссиққача кўтарилади. Навоий, Бухоро, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида ҳарорат кечаси 20-25, кундузи 40-42, 26-28

июль кунлари чўл ҳудудларида 39-44 даража иссиққача кўтарилиши мумкин. Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида ҳарорат кечаси 20-25, кундузи 34-39, баъзи жойларда 40-42, ҳафтанинг дам олиш кунларида 39-44 даража иссиқ бўлади. Республикаимизнинг Шарқи — Андижон, Фарғона ва Наманган вилоятларида шамол шарқдан 5-10 м/с тезликда эсади. Термометр кўрсаткичлари 25-26 июль кунлари кечаси 18-23, кундузи 33-38, ҳафта охирига бориб эса кечаси 20-25, кундузи 38-42 даража иссиққача кўтарилишини кўрсатмоқда. Тошкент вилояти ва пойтахтимизда ҳам об-ҳаво ўзгариб турса-да, ёгингарчилик кўтилмайдиган. Ҳарорат кечаси 25 июлда 18-23, кундузи 34-39, ҳафтанинг дам олиш кунларида эса кечаси 20-25, кундузи 39-43 даража иссиқ бўлади. Тоғли ҳудудларда ҳарорат 25-26 июль кунлари кечаси 11-16 даража илқ, кундузи 23-28, ҳафта охирида эса кечаси 14-19, кундузи 27-32 даража иссиққача кўтарилиши кўтиломқда.

**Антиқа қонунлар**

Канадада 50 центдан юқори бўлган харидларга тўловни бир центлик тангалар билан амалга ошириш тақиқланади. Торонто шаҳри мэрияси трамвай ҳайдовчиларининг яқшанба кунлари саримсоқ пиёз еб ишга чиқишларини тақиқловчи қарор қабул қилган.

Мамлакатнинг Янги Шотландия музофотида ёмғир пайтида томорқани сугориш ман этилади.

Монреалда эса француз тилида қасам ичиш мумкин эмас. Онтарио имомқчи бўлганлар бу ишни фақат инглиз тилида амалга ошира олади.

Альберта шаҳрида қамқондан озод этилган маҳбусга давлат томонидан от ва маҳсус ўқотар қурол тақдим этилади.

**ҲУРМАТЛИ ЮРТДОШЛАР!**

**«АСАКА» БАНК (ОАЖ)**

**қуйидаги муддатли омонат турларини таклиф этади:**

*миллий валютада*

**«ФАРОВОН ТУРМУШ»**

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ва 18 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

*хорижий валютада*

**«ИШОНЧЛИ»**

(АҚШ долларларида)

Омонатнинг сақланиш муддати 12 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиб мумкин. Мурожаат учун «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент ливҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтохур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Серели филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарҳод филиали	374	226-97-53
Фарғона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Қўқон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

**БАРЧА ОМОНАТЛАРИНГИЗ ФУҚАРОЛАРИНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ТОМОНИДАН КАФОЛАТЛАНДИ**

**Сизнинг омонатларингиз:**

- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озол!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёриңизда!
- миқдори чекланмаган!

**«АСАКА» БАНК — сармомиянғизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди!**

Хизматлар лицензияланган

**Автомобили УАЗ**

от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

**УАЗ Patriot (comfort) — пикап**

Полноприводный (4x4)

ЦЕНТРЫ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:  
Тел./факс: (371) 215-09-11, 215-18-17.  
Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09.  
(+99895) 177-01-17.

Узнай больше на сайте [www.sardor-avto.uz](http://www.sardor-avto.uz)

**LADA БИЗНЕС**

от дилера «SARDOR AVTO INVEST»

**ВИС-2347, LADA SAMARA, борт.**

**ВИС-2347, LADA SAMARA, фургон.**

**ВИС-23460, LADA NIVA, 4x4.**

**ВИС-23461, LADA NIVA, 4x4.**

ЦЕНТРЫ ПРОДАЖ В ТАШКЕНТЕ:  
Тел./факс: (371) 215-09-11, 215-18-17.  
Тел.: (+99891) 162-99-99, (+99898) 303-90-09.  
(+99895) 177-01-17.

Узнай больше на сайте [www.sardor-avto.uz](http://www.sardor-avto.uz)

**«NAVOIYAZOT»**  
OSHIQ AKSIYADORLIK JAMIYATI

**КАЛИЙ НИТРАТИНИ СОТУВГА ТАКЛИФ ЭТАДИ**

**Калий нитрати электротехника, машинасозлик ва шиша саноатида, шунингдек, гугурт, эмаль ва керамика ишлаб чиқаришда кенг қўлланилади**

Ўзбекистон Республикаси, 210105, Навои-5, Факс: (+99879) 223-75-80  
Маркетинг бўлими: (+99879) 229-29-99, e-mail: market@navoiyazot.uz

[www.navoiyazot.uz](http://www.navoiyazot.uz)

Сотув бўлими: (+99879) 229-23-04, 229-21-68, e-mail: sale@navoiyazot.uz

Маълумот сертификатланган

**МАХСУС ВА ОДДИЙ ТРАКТОРЛАР!**

Барча тракторлар корхонанинг Тошкентдаги омборхонасида мавжуд

- Экскаватор-погрузчик ЗП-Ф-П (Б) бульдозер
- Бульдозер погрузчик БЛ-750
- Экскаватор-погрузчик цепной ЗП-Ц
- Асфальтозез
- Подъемник БЛ-09
- «Беларусь» ТМТЗ-80х 80.1, 82.1, 1025.2, 1221.2
- Запасные части к тракторам «Беларусь»
- Шины различных моделей

максимум сертификатланган

Т.: (+99871) 252-16-29, 255-09-55.  
e-mail: toglar\_uz@mail.ru www.toglar.uz

**Ламифалар**

— Топганиғизни доимо беҳудага сарфлайсиз-а, дадаси, — дебди хотин эрига.  
— Манави ўт ўчигични сотиб олганиғизга икки йил бўлди, чамамда. Ҳали бирон марта ишлатганимиз йўқ.

•••

— Дадаси, эртага туғилган куним, эсинғиздами?  
— Эсимда-эсимда.  
— Сир бўлмаса, нима совға қилмоқчисиз?  
— Кўчамиз бошида кул ранг «Мерседес» турбиди, кўрдинғими?  
— Ҳа, кўрдим!  
— Сенга худди шунақа рангдаги пайпоқ совға қилмоқчиман.